Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 251 (21. 117) 1991 йил 27 декабрь жума

Баҳоси 8 тийин.

Президент Ислом КАРИМОВ:

„МЕНИНГ МАСЛАГИМ: ИНСОН БАХТ—САОДАТИ, РЕСПУБЛИКА МАНФААТЛАРИ“

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш куни жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан ғоят банд, иш куни ҳам одатдаги 8 соатда тугамайди, кўпинча икки баравар чўзилиб кетади. Сиёсий ва иқтисодий вазиятларни идроклаш, бозор иқтисодиётида устувор йўналишларни излаш, республика бўйлаб тез-тез сафар қилиш, қишлоқлар ва шаҳарлар меҳнатчилари билан учрашувлар, чет эл делегацияларини қабул қилиш... Дақиқаларигача ҳисобга олинган мана шу иш жадвалида махсус мухбиримиз билан узоқ ва батафсил суҳбатлашиш учун вақт топилди.

— Ислом Абдуғаниевич, мен «Сельская жизнь» деҳқонлар газетасининг вакилиман. Шу сабабли менинг биринчи саволим тўғри ва ўринли бўлса керак: эртаги кунда Ўзбекистон қишлоғи қандай бўлиши керак!

Деҳқончилик соҳасида етакчи мавқени ким олади: колхозлар, совхозларми ёки хусусий мулк эгаларими!

Бу ҳақда ҳозир мамлакатда турли фикрлар мавжуд, баҳслар кетмоқда. Эҳтимол, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда унисн ҳам, бунисн ҳам зарурдир, уларнинг орасига қатъий чегара қўйиб бўлмас... Ўз йўлини тўла эркин танлаб олиш, деҳқонни ўз иктиёрига қўйиб бериш ҳақиқий ўзгаришларга олиб бориш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Шундаймі!

— Бу саволга жавоб беришдан олдин энг муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозир ҳамма жойда колхозлар ва совхозлар ўзини оқламади, уларнинг ҳамма-сини дарҳол тарқатиб юбориш керак, деган гаплар юрибди. Бунда ҳақиқий иқтисодий, ижтимоий ва ўзга омиллар, деҳқонларнинг руҳияти, истаклари ва муддаолари ҳисобга олинмаяпти. Бизда, Ўзбекистонда бундай ҳолатлар йўқ. Биз мутлақо ҳамма нарсани рад қилишни хоҳламаймиз, ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган ҳамма нарсани рад этишга, уларни ёмонга чиқаришга шошилмаймиз. Қишлоқдаги ҳар қандай одамдан сўраб кўринг, у ерда бундай кайфият йўқ.

Озиқ-овқат дўконларининг пештахталари бўшаб қолган экан, бунга колхозлар ва совхозлар айбдор эмас, балки жамоат хўжаликларини ҳозирги аҳволга солиб қўйган тоталитар давлат айбдордир. Асосий иллат шундаки, одамларни ердан ажратиб қўйишди. Сўнгги даврда меҳнатчиларнинг манфаатлари шунчаки менсимай қўйилди эмас, балки топтоб ташланди, мен 80-йилларни кўзда тутяпман, ўша пайтда устимизда «пахта иши» деб аталган хавф ҳамда марказнинг бошқа уйдирмалари пайдо бўлди. Орзу қилинаётган жамият — аввало инсон манфаатлари, жамият манфаати фақат қонун устувор бўлган ва демократия қоидалари қарор топтириладиган давлатнинг манфаатлари каби тушунчаларни акс эттиради-ган жамиятдир. Шу сабабли амалий ишимда халқ бахт-саодати, демократия, қонуннинг устуворлиги, республика манфаатлари деган маслакка амал қиламан.

Яна бир нарсани айтмай ўтолмайман. Айрим шўринг қургур назариётчилар, иқтисодиётчилар таъсири остида биз ҳамма нарсага зарар етказиб бўлса ҳам, давлат мулкини барпо этишни тезлаштирдик, бунда миллий омилларни ҳам, бошқа ҳеч қандай омилларни ҳам ҳисобга олмадик. Хўш, охири нима бўлди? Шу йўл билан биз меҳнатга рағбатлантирувчи омилни таг-томири билан тугатдик, «хусусий мулк» тушунчаси эса социализм шароитида қандайдир тақиқлаб қўйилган ёт нарса деб қабул қилинадиган бўлди. Холбуки, хусусий мулкнинг ўзи инсонда қизиқиш уйғотади, омилларни вужудга келтиради, биз ҳозир ана шундай қизиқиш ва омилларга мухтож бўлиб турибмиз. Одамларга уларнинг ўзига, ўз кучига ишончини қайтариб бериш учун улар-нинг меҳнат қилишига оқилона шарт-шароитни таклиф этишимиз керак. Хусусий мулк эса ана шундай омилни вужудга келтиради. Кечагина биз ҳаёлпараст роман-тиклар эдик, осмондаги ойни ушлашга ҳаракат қилардик, натижада воқеликдан ажралиб қолган одамларга айландик, ҳаёт эса манфаатларни кўзлашни тақозо этади.

Биз бир вақтлар ҳаммани битта давлат мулки остига тезроқ тўпласак, колхозларни, ширкатларни совхозларга айлантирсак ўша «порлоқ келажакка» тезроқ етиб борамиз, деб тўғридан-тўғри мусобақалашдик. Шундай қилиб аҳволни тағин ҳам чигаллаштирдик, тағин ҳам кўпроқ қийинчиликларни келтириб чиқардик, иш шу даражага бориб етдики, одамлар ўша «порлоқ келажак»-ка ишонмай қўйишди.

Бу ишлар жўнгина амалга ошириб келинди. Турли сабабларга кўра, иқтисодий жиҳатдан ожиз, ўзини ўзи таъминлай олмайдиган 3-4 колхоз олинади-да улар совхозга айлантирилади. Бунда табақалаштирилган биринчи рента, табақалаштирилган иккинчи рента деган нарсалар, хўжаликларнинг шаҳарлардан олислиги ва бошқа жиҳатлар мутлақо ҳисобга олинмайди. Бир қалам юритиш билан ҳамма нарса ўзгартириб юборилаверди. Янги пайдо бўлган совхозда оддий машиналарнинг, энергия воситаларининг йўқлиги ҳеч кимни ташвишга солмади.

— Кеча ана шундай бўлган эди, бугун эса республикамизда аграр ислоҳот шов-шувсиз, озиқ-овқат масаласини тезда ҳал қилиш тўғрисидаги баландпарвоз гаплар ва ваъдаларсиз амалга оширилаётганлигини кўриб турибмиз. Мен Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги бир қанча хўжаликларда бўлиб бунга ишонч ҳосил қилдим. Жамиятдаги ҳозирги мураккаб вазиятга, иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлигига қарамай сизлардаги колхозлар ва совхозларнинг кўпи рентабель ишламоқда, келажак учун яхши замин ҳозирламоқда. Чамаси бундан олдин консерватизм тўғонидан ўтишга, қишлоқда янги иқтисодий муносабатлар томон кескин бурилиш қилишга тўғри келган. Албатта, курашсиз, зиддиятларсиз бўлмагандир!

Ёшлигимдан эсимда қолган: қишлоғимиз ёнида колхоз бор эди. Бирданига колхоз ўзгартирилиб совхозга айлантирилганлигини билиб қолдим. Кечқурун ётаётганимизда колхозчи эдик, эрталаб ишчи бўлиб уйғондик, гўёки ўзининг янги тушунчаси, дунёқараши ва руҳияти бўлган ишчи бўлиб уйғондик. Бу латифадан бошқа нарса эмас...

— Ҳа, мен бир вақтлар Молия вазирлигида вазир бўлиб ишлаганман ва содир бўлаётган воқеаларнинг номаъқуллигини ўз кўзим билан кўриб ҳис этганман, чунки республика бюджети, давлат бюджети барибир бевосита колхозлар билан боғланган эди, жуда объектив тарзда шундай бўлган эди. Аммо совхозлар кўрган барча зарар ўз-ўзидан ўчириб юборилган бўлса, колхозларнинг қарзидан кечилмас эди. Қарз 5—10 йил мобайнида йиғилиб тураверар, кейинчалик эса ўртоқ Брежнев ва бошқалар навбатдаги партия съездлари арафасида бу қарзларни «ҳа майли» деб кечиб юборишар эди. Биз эса деҳқонлар тўғрисида ғамхўрлик қилиб «жони ҳалак бўлган» партия ва ҳукуматдан миннатдор бўлар эдик. Кулгили ҳоллар ҳам бўлиб турарди. Қилғиликни қилиб қўйиб, сўнгра бир чизиқ тортиш билан қарзни бекор қилишар эди. Шу йўл билан «подшо ҳазратлари» ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қиляпти деб, бизни қуллуқ қилишга мажбур этишар эди. Шундай бўлган эди.

— Ислом Абдуғаниевич, сизга маълумки, 1965 йилнинг март ойида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган пленумидан илгарироқ академик Немчинов огоҳлантириб шундай деган эди: қишлоқни хонавайрон қилманг, қишлоқ аҳлига озгина эрк, озгина эркинлик беринг, улар ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўлишсин. У рақамларни ҳам тилга олган эди: қишлоқ аҳли қўлидан жами қўшимча маҳсулотгина эмас, балки зарур бўлган маҳсулотнинг катта қисми ҳам тортиб олинаётган эди. Лекин унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади...

— Бу ўринда кредит соҳасида ҳам, молия ва нарх белгилаш борасида ҳам кўпгина яроқсиз усуллар бўлган эди. Назаримда, бу масала асосий масаладир. Энг муҳими шундаки, қишлоқ хўжалигини кўп замонлардан буён сурбетлик билан шилиб, талаб келишди. Бунинг устига, бу тармоққа одатда оми одамлар раҳбарлик қилиб келишди. Ўша Лигачевни олайлик, бир вақтлар у бошимиздан қутбарака ёғдирмоқчи бўлган эди, гарчи у, умуман қишлоқ хўжалигиқ, хусусан молия масалаларини мутлақо билмаса ҳам шундай қилмоқчи бўлган эди. У ҳар турли йиғинлар ўтказишга ружу қилган эди. Ўзбекистонга келишни хуш кўрмас эди. Ҳаммани турли минтақаларда тўплаб, далаларга олиб чиқар эди.

Буни кўриб танг қолар эдик. Ўша минтақаларда ёғингарчилик Ўзбекистонга нисбатан икки баравар кўп бўлади. Биз қўрғоқчилик ўлкасида яшаймиз, ҳар беш йилда қурғоқчилик «мана мен» деб ўзини кўрсатиб туради. Лигачев эса, нега ўша минтақаларда жўхоридан 80 центнердан ҳосил кутариляпти-ю, Ўзбекистонда бор-йўғи 37 центнерга етяпти, деб бизга дашном беришга уринар эди. Биз унга шароитимиз бошқачароқ-ку, деб тушунтирмоқчи бўлганимизда, у бунга парво ҳам қилмас эди.

Мавзудан чиқиб кетдим чамаси. Колхозчини атайлаб ишчига айлантирганлигимиз ҳақидаги фикримни якунламоқчи эдим. Бу ўринда гап маънавий, руҳий жиҳатдагина эмас, балки биз зарар кўриб ишлаётган колхозларнинг жами эҳтиёжу талабларини давлат бўйнига кўра-била туриб осиб қўймоқчи бўлганимиздадир, ҳолбуки, бу хўжаликлардаги аҳволни миридан-сиригача ўрганиб чиқиш керак эди. Нега у ёки бу колхоз зарар кўриб ишлаяпти? «Астар-аврасини» ўтириб ўрганиш керак эди. Биз шундай қилмай, дардни янада газак олдириб юбордик, чунки совхозлар батамом давлатнинг қарамоғига ўтиб

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНДИ

Литва республикаси олий кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАН ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунини эътиборга олиб ҳамда халқларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқига ҳурмат билан қараб, Литва Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тан олинсин.

2. Литва Республикаси ҳукумати дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан музокара бошлашга вакил қилинсин.

Литва Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Витаутас ЛАНДСБЕРГИС.

Вильнюс,
1991 йил 20 декабрь.

* * *

БУХАРЕСТ, 24 декабрь. Руминия ҳукумати Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон Республикаси парламентлари эълон қилган шу республикалар мустақиллигини тан олди. Мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг бугун Ромпресс агентлиги тарқатган баёнотида шу ҳақда хабар қилинган.

Хабарда айтилишича, Руминия ҳукумати шу республикалар билан дипломатия муносабатларини ўрнатишга ва халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида улар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга тайёрдир.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Энг яхши қутловларимиз!

Мамлакатингизда демократияни таъминлаш ва тараққиёт асосини яратиш йўлидаги ҳар бир қадамингизни зўр эътибор билан кузатиб турдим. Сизни янги ҳамдўстлик эълон қилинганлиги билан табриклайман. Жаҳон ҳамжамияти доирасидаги халқаро ҳуқуқ ва БМТ низомига, шунингдек халқаро шартномалар ва мажбуриятларга амал қиладиган мустақил давлат сифатида сизни табриклашдан бахтиёрман.

Миснинг қардош халқларимиз бахт-саодати йўлида сизнинг дўст мамлакатингиз билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва амалий ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини ва шунга қатъий интилишини тасдиқлайман.

Самимий саломимни қабул қилгайсиз.

Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК

Миср Араб Жумҳуриятининг Президенти

1991 йил, 22 декабрь.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА!

Жаноб олийлари!

Швейцария Федерал Кенгаши 1991 йил 23 декабрда қуйидагича қарор қабул қилганлигини сизга маълум қилиш шарафига муяссарман:

Швейцария Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва истиқлолини тан олади ҳамда у билан дипломатия муносабатлари ўрнатишни хоҳлайди.

Сизга қизғин табрик билан мурожаат қилиб, мамлакатингиз ва Ўзбекистон Республикасининг халқи гуллаб-яшнасин, деган самимий истакларимни билдираман.

Ренэ ФЕЛЬБЕР
Швейцария конфедерациясининг вице-президенти ва 1992 йил 1 январдан президенти

* * *

1991 йил 19 декабрда Монголия Халқ Республикасининг кичик хурали (парламенти) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини таниш тўғрисида қарор қабул қилди.

ДЎСТОНА СУҲБАТЛАР

25 декабрь, чоршанба Жиззах вилояти меҳнатқашларининг республика президентлигига номзод И. А. Каримов билан учрашуви куни бўлди. Мулоқотгача қўриқ Дўстлик ва Мирзачўл районлари меҳнаткашларининг вакиллари шудгорланган дала бошида И. А. Каримов билан суҳбат қурдилар. Президент меҳнаткашларнинг кайфияти, хўжаликлардаги ҳозирги ишларнинг бориши билан қизиқди. Аҳолининг кундалик зарур моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши аҳволини суриштирди. Суҳбат чорвачилик маҳсулотлари, хусусан гўшт тақчиллиги мавзуига келиб тақалди.

— Гўштнинг харид нархини ошириш керак, — деди Мирзачўл район Кенгаши раиси Б. Серников. — Аҳоли ўзидаги молни гўштга топширмай сақлаб турганлигининг боиси ҳам шунда. Қолаверса, халқ пулнинг қобора қадрсизланиб бораётганлигидан чўчияпти.

Ҳозирги шароитда хўжаликни юритиш, аҳолини етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги мунозараларда Дўстлик районидаги «Комсомол» давлат хўжалиги директори М. Бойзоқов, Мирзачўл районидаги Абай номли давлат хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси А. Оқилбоев, Дўстликдаги Ленин номли давлат хўжалиги ижарачиси Р. Нурлибоев, шу хўжалик директори Р. Есенқуловлар ҳам иштирок этишди.

Шундан сўнг республика Президенти ва унга ҳамроҳлик қилувчилар Жиззах шаҳрига йўл олишди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мажлисгоҳида сайловчиларнинг жумҳурият президентлигига номзод И. А. Каримов билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувни вилоят Кенгашининг раиси Эркин Турсунов қисқача кириш сўзи билан очиб, номзоднинг ишончли вакили «Жиззах овози» рўзномасининг муҳаррири А. Иномовга сўз берди. Ишончли вакил И. А. Каримовнинг қисқача таржимаи ҳоли билан таништираркан, номзоднинг мустақил Ўзбекистон Республикаси равнақи йўлида олиб бораётган халқчил сиёсатини аниқ далиллар билан баён қилди. Ўзбек халқига собиқ марказдан уюштирилган ҳар қандай адолатсизликларга мардона дош берганлигини таъкидлади. Ноҳақ қамалган кишиларни озод этиш, элимизнинг севимли фарзанди—ажойиб раҳбар ва ижодкор марҳум Шароф Рашидовнинг пок номини қайта тиклаш борасидаги эзгу ишларининг халқ томонидан юксак баҳоланаётганлигини айтди.

— Аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоялаш И. А. Каримовнинг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда, — деди зоминлик сайловчилар номидан сўз олган меҳнат фахрийси А. Сойибназаров. — Бу ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнда, иқтироз тобора кучаяётган бир пайтда жуда муҳимдир.

Республика Президенти И. Каримовга вилоят фахрийлари номидан дўппи, чопон кийдирилиб, унга чайқовчилар, порахўрлар, қонунбузарларга қарши курашда мадад рамзи сифатида қамчи совға қилинганида зални гулдурос қарсаклар босиб кетди.

Фориш район Кенгаши раиси Э. Қозоқов номзоднинг республика тўла мустақиллигини таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги амалий ишларини чуқур мамнуният билан қайд этди. «Шу боис ҳам форишлик сайловчилар Ислом Абдуғаниевич номзодини қўллаб-қувватламоқда» деди нотиқ. Ўз навбатида Кенгаш раиси район ҳудудидан қазиб олинаётган табиий бойликларни Форишнинг ўзида қайта ишлайдиган фабрика қурилишида, Учқулоч темир йўл станциясини ташкил этишда ёрдам сўради.

— Жумҳурият президентлигига номзод И. А. Каримов Ўзбекистон ХДП асосчиларидан биридир, — деди Ўзбекистон ХДП Октябрь район кенгашининг биринчи котиби Б. Аввалбеков. — Муҳтарам Каримовнинг кейинги икки йил ичида республикамизнинг ҳамма ҳудудида, одамлар ўртасида, уларнинг миллатидан, диний қарашларидан қатъи назар тинчлик, хотиржамлик, ўзаро ҳурмат муносабатларини тиклаш, ҳар бир хонадонда осойишталик, қут-барака, эртанги кунга ишонч бўлиши йўлида олиб бораётган хайрли ишларидан халқимиз жуда ҳам мамнун. Октябрь районни меҳнаткашлари номидан бўлажак сайловда И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга чақираман.

Учрашувда сўзга чиққан Арнасой районидаги Гречко номли давлат хўжалиги хотин-қизлар кенгаши раиси Р. Абишева, Дўстликдаги Ленин номли хўжалигининг донгдор пахтакори Р. Нурлибоевлар ҳам Ўзбекистон ХДПдан президентликка номзод — И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этишди.

— Жумҳурият мустақиллиги учун курашни айнан шу эл бошлаб берган, десам янглишмайман, — деди учрашувда республика президенти И. А. Каримов. — Бу билан мен 1916 йилги Жиззах қўзғолонини назарда тутаяпман. Қолаверса, жумҳуриятни кўп йиллар бошқарган марҳум Шароф Рашидов шу элда унибўсган.

Шундан сўнг И. А. Каримов ўз дастурини баён этаркан, эришилган мустақилликни сақлаб қолиш, халқнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, айниқса қишлоқларда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини кўтариш йўллари ҳақида гапирди. Учрашув қатнашчиларини тўла иқтисодий эркинликка эришиш борасида хорижий мамлакатлар билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик муносабатлари билан таништирди.

Республика президентлигига номзод билан бўлган учрашув иштирокчилари вилоят халқига қарата мурожаатнома қабул қилдилар. Унда жумҳурият мустақиллиги ҳамда И. А. Каримов номзоди учун овоз беришга даъват этилган.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ВА ДЎСТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Рўзномамизга бундан буён бир йиллик обуна баҳоси 51 сўм 36 тийин қилиб белгиланди.

1 мартдан 1992 йил охиригача, яъни 10 ой учун 42 сўм 80 тийин, бир ойга 4 сўм 28 тийин.

1992 йил ёки йилнинг бир бўлагига (1 ой, 3 ой, ярим йиллик) илгари обуна бўлганлар рўзномани эски нархда олаверадилар.

1992 йил 1 январдан «Ўзбекистон овози» чакана сотувга жуда кам чиқади. Бир нусхасининг баҳоси 35 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг МУРОЖААТНОМАСИ

МОСКВА, 25 декабрь. (ТАСС). Михаил Горбачев бугун марказий телевидение орқали халққа мурожаат қилди. У бундай деди:

I.

«Азиз ватандошлар! Ҳамюртлар!

Мустақил давлатлар ҳамдўслиги тузилгач, вужудга келган вазият тақозоси билан мен СССР Президенти лавозимидаги фаолиятимни тўхтатаман. Принципиал мулоҳазалар билан шу қарорга келдим.

Мен халқларнинг эркинлиги, мустақиллиги учун, республикаларнинг суверенитети учун қатъият билан курашиб келдим. Бироқ айни вақтда Иттифоқ давлатини, мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш учун ҳам курашдим.

Воқеалар бошқа йўлдан ривожланди. Мамлакатни парчалаш ва давлатни бўлиш йўли устун бўлиб чиқди, мен бунга қўшила олмайман.

Олмаота учрашувидан ва у ерда қабул этилган қарорлардан кейин ҳам менинг бу хусусдаги фикрим ўзгарганй йўқ.

Бундан ташқари аминманки, шу миқёсдаги қарорлар халқнинг хоҳиш-иродасига биноан қабул қилиниши лозим эди.

Шунга қарамай, у ерда имзоланган битимлар жамиятда амалий тотувликка олиб келиши, тангликдан қутулиш ва ислоҳотлар жараёнини енгиллаштирадиган бўлиши учун имкониятим борича ҳамма ишни қиларман.

II.

СССР Президенти сифатида сўнгги бор ҳузурингизда гапирар эканман, 1985 йилдан буён босиб ўтилган йўл хусусидаги ўз фикримни айтиш зарур деб ҳисоблайман. Бу ҳақда бир талай зиддиятли, юзаки ва нохолисона мулоҳазалар борлиги учун ҳам шундай қилиш зарур.

Тақдир ҳукми билан мен давлат бошлиғи лавозимига кўтарилганимда мамлакатдаги аҳвол чатоқлиги равшан эди. Ҳамма нарса: ер, нефть ва газ, бошқа табиий бойликлар кўп эди, заковатли ва истеъдодли кишилар ҳам оз эмасди, аммо ривожланган мамлакатларга нисбатан ёмонроқ яшар эдик, улардан тобора кўпроқ орқада қолаётган эдик.

Бунинг сабаби кўриниб қолган эди — буйруқбозлик-тўрачилик тизими исканжасида жамият қисилиб қолган эди. Мафкурага хизмат қилишга ва қуролланиш пойгасининг даҳшатли юкини кўтаришга маҳкум этилган бу жамият ҳолдан тойган эди.

Кўпдан-кўп жузъий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги ҳамма уринишлар кетма-кет барбод бўлган эди. Мамлакат истиқболдан маҳрум бўлаёзган эди. Ортиқ бундай яшаб бўлмас эди. Ҳамма нарсани тубдан ўзгартириш керак эди.

Шу боисдан ҳам мен, Бош котиб лавозимидан фойдаланиб, бир неча йил роҳат-фароғатда яшамаганим учун асло афсус қилмаганман. Бундай қилишни масъулиятсизлик ва аҳлоқсизлик, деб ҳисоблаган бўлур эдим.

Бундай миқёсдаги ислоҳотларни бизнинг жамиятда бошлаш беннҳоя қийин ва ҳатто қалтис иш эканини тушунар эдим. Аммо 1985 йилнинг баҳрида бошланган демократик ислоҳотлар тарихан тўғри бўлганига ҳозир ҳам ишончим комил.

III.

Мамлакатни янгилаш ва жаҳон ҳамжамиятидаги туб ўзгаришлар жараёни фараз қилинганидан кўра анча мураккаброқ бўлиб чиқди. Бироқ қилинган ишга муносиб баҳо бериш лозим.

Жамият эркинликка чиқди, сиёсий ва маънавий жиҳатдан озод бўлди. Бу эса — энг муҳим ғалабадирки, биз уни пировардигача англаб етганимиз йўқ. Чунки ҳали эркинликдан фойдаланишни ўрганиб олмадик.

Ҳар ҳолда тарихий аҳамиятга молик иш қилинди:

— мамлакатни аллақачон фаровон ва гуллаб-яшнаб турган маконга айланишдан маҳрум этган тоталитар тизим тугатилди.

— демократик ўзгартишлар йўлида зўр ишлар қилинди. Эркин сайлов, матбуот эркинлиги, дин эркинлиги, ваколатли ҳокимият органлари, кўп партиялилик рўёбга чиқди.

Инсон ҳуқуқлари олий қоида, деб тан олинди.

— кўп шаклли иқтисодиётга ўтиш бошланди, мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги қарор топмоқда. Ер ислоҳоти доирасида деҳқончилик қайта тикланмоқда, фермерлик пайдо бўлди, миллионлаб гектар ер қишлоқ аҳолисига, шаҳарликларга берилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқарувчининг иқтисодий эркинлиги қонунлаштирилди ва ишбилармонлик, акционерлик, хусусийлаштириш кучая бошлади.

— иқтисодиётни бозор сари бурганда бу иш инсон манфаатлари йўлида қилинаётганини эсда тутмоқ керак. Шу қийин вақтда инсонни, айниқса қариялар ва болаларни ижтимоий

(Давоми иккинчи бетда).

Президент Ислом КАРИМОВ: „МЕНИНГ МАСЛАГИМ: ИНСОН БАХТ-САОДАТИ, РЕСПУБЛИКА МАНФААТЛАРИ“

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фармонига кўра «пахта иши» билан судланган маҳкумлар авф этилди, жуда кўпчилик жазо муддатини ўташдан озод этилади.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

маблағ билан таъминлана бошлади. Асл деҳқон йил охирида қанча даромад кўраркинман, бола-чақамни қандай қилиб боқар эканман, деб ўйлайди. Биз эса ўша заҳматкаш инсонни қарамлик гирдобига ташламоқчи бўлдик. Идорадаги амалдорларнинг сони кўпайиб кетди.

Бунинг жуда хатарли жиҳати бор эди: биз ҳар йили жуда кўп миқдордаги кўрилган зиённи ҳисобдан чиқариб ташлайвердик ва шу тариқа қарам одам феъл-атворининг шаклланишига негиз яратдик. Биз ўзимиз ғирт қарамларнинг бутун бир қатламини вужудга келтирдикки, улар сидқидилдан ишлаш рағбатини унутдилар. Ўша кезда ижара ҳақида гапириб бўлармиди? Бунинг кимга кераги бор эди. Ҳозир деҳқон ерни олишни истамаяпти, деган гаплар бор. Ҳолбуки, бизнинг ўзимиз уни шу йўсинда тарбиялаган эдик. Деҳқон бошқача яшаш лозимлигини уқиб олмоғи учун бир мунча вақт зарур бўлади.

— Назаримда, деҳқонга, ўша бобо деҳқонга у мамлакатни едириб-ичирмаяпти, деб таъна қилиш яхши иш эмас. Айрим сиёсатчилар ва «узангини узиб» кетаётган публицистлар худди шундай таъна тошларини ёғдиришяпти. Хўш, биз қишлоқда ўрнига ўрин нима оламиз? Жамият олдида айбдорлик туйғуси, барчанинг хомушу ҳафа бўлиб қолиши ва гатто ҳафсаласи пир бўлиб кетиши, шуми бизга қоладигани!

— Бу фикрга қўшиламан. Бунинг энг хавфли жиҳати — адолатга ишончсизликдир, жон куйдириб қилган самарали меҳнатинг муносиб баҳоланишига ишончнинг йўқлигидир.

Ўзбек деҳқони не-не қийинчиликларни бошидан кечирган. Бундай мушкулот ҳозир ҳам бўлиб турибди. Лекин деҳқонимизнинг адолатсизликка тоби-тоқати йўқ. Аммо шундай бир тизимни бунёд этишганки, жонингни нечоғли жабборга берма, урениб-суринма, ҳаммаси зое кетади.

Мен Қашқадарёда вилоят комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаганман, бундан илгари хўжалик раҳбари лавозимларида меҳнат қилган эдим, рости, Қашқадарёга кўнглим унча тортмай бордим. Аммо ўз олдимга қуйидаги мақсадни қўйган эдим: шу вилоят доирасида ўша ноилож аҳволни тугатиш керак, инсонга рисоладагидек шароит яратиб, меҳнатини рағбатлантириш лозим. Нега деҳқонга ўз вақтида иш ҳақини тўлашмаяпти? Хўш, унга умуман қайси қоидаларга асосланиб ҳақ тўлашяпти? Мен ўзимга берган биринчи савол ана шу бўлди. Ҳамма иш шундан бошланди. Иш ҳақининг вақтида берилишига ҳаракат қила бошладим. Яна ўша ноилож аҳволга дуч келдим. Колхозлар пул ишлаб топишмаётгани учун иш ҳақи йўқ. Лекин бу аҳволни тугатиш керак эди. Зиммамга масъулиятни олиб, ҳақ тўлайсизлар, деб айтдим. Бир йилдан кейин ҳаммасини қайтарамиз, деб ваъда бердим. Нари борса икки йилдан кейин қайтарамиз, деб таъкидладим. Ҳақ тўлашди. Лекин баъзилар мени буйруқбоз, деб таъна қилишлари мумкинлигини ҳам билиб турардим. Муайян маъмурий усуллар бўлмаса, фақат иқтисодий усулларнинг ўзигина наф бермайди. Шундай фикрда эдим ва ҳозир ҳам бундан воз кечганим йўқ. Дуруст, иқтисодий усуллар устивор бўлмоғи лозим. Лекин баъзан ишни ташкил этиш ҳам гуноҳ саналмайди. Шу боисдан ҳам тўлайсиз, деб қатъий турдим. Колхозчилар мунтазам пул ола бошладилар ва ҳайрон бўлиб қолдилар: наҳотки иш ҳақини ҳар ойда тўлаб туришса? Ишонч уруғлари ниш ура бошлади. Иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар пайдо бўлди, энди уларни йиқитиш осон бўлмайди.

Шу боисдан ҳам, сиз жамоа хўжаликларига муносабатимиз қандай деб сўраганингизда унга жавобим қуйидагича бўлади: биз колхозлар ва совхозлар фаолиятини таҳлил этиб, ўз ҳужжатимизни тайёрладик. Ишбилармонликка нисбатан чеклашларни олиб ташладик. Улар ўз маҳсулотининг 60 фоизини эмас, балки 50 фоизини давлатга сотадилар. Шартномавий нархлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Давлат хўжаликлардан белгилаб қўйилган юқори нархларда, фермерлардан эса шартномавий нархларда маҳсулот сотиб олади. Маҳсулотнинг тамга келганман. Бу жараён осон кўчмайди, азият чекишга ҳам тўғри келар, мен буни обдон тушуниб турибман. Аммо ҳамонки қишлоқни мустаҳкам иқтисодий негизга қўймоқчи эканмиз, шундай қилиш зарур.

Газетачиларга маъқул тушган ибора билан айтадиган бўлсак, бу инқилобий йўл эмас. Бу кейинги пайтда қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш масалаларида йўл қўйилган хатоларни дастлабки кезда тузатишдир.

— Ислом Абдуғаниевич, сизга шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистонга биринчи бор келишим, баъзи марказий газеталардаги мақолаларни ўқиган эдим, ўша муаллифлар республикада гўё консерваторлар раҳбарлик қилишяпти ва бу ерда сира ўзгаришлар йўқ, деб ёзишган эди. Мен республикага ана шу таассуротлар билан келганман.

— Бу гапларни ҳамкасбларингизнинг виждонига ҳавола қилиб қўя қоламан. Бизнинг йўлимиз нимага асосланади? Агар биз зарар кўриб ишлаётган совхозлар ва колхозларни ўзгартирсак, улар кооператив қоидаси асосида ишлайдиган бўлишади. Хуллас, биринчи босқичда биз давлат мулкини кооператив мулкка айлантирамиз ва бу билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни тиклашга ҳаракат қиламиз. Ишончим комилки, бу одамларга маъқул тушади. Дарҳол бошқарув ходимларининг сони қисқара бошлайди, ҳисобот тикланади, ижара ҳақидаги масала кўтарилади ва ҳоказо. Катта колхозларнинг ичида кичик кооперативлар очиш ниятимиз бор, булар эса бирлашиб кооперативлар иттифоқини тузади. Бу бугунги режамиздир. Қўллаб-қувватлашларига ишончим комил. Чунки бу колхозлар учун муайян рағбат бўлади. Савол беришингизни кутмасдан ана шу рағбат ҳақида гапирмоқчиман. Биринчидан, биз харид нархларини кўтардик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг аксарият турларини шартномавий нархларга ўтказдик. Эркин нархларга эмас, айнан шартномавий нархларга ўтказдик.

Иккинчидан, хўжаликлар ишлаб чиқаришнинг ва аҳолининг эҳтиёжлари учун ўз маҳсулотининг 60 фоизини (баъзи ерларда бўлаётганидек 80 фоизини эмас) давлатга сотмоғи учун топшириқ бердик ва нархларнинг энг юқори даражасини белгилаб қўйдик. Хўжалик эса маҳсулотнинг 40 фоизини ҳар қандай баҳода сотиш ҳуқуқига эгадир. Кимга сотади, қаерда сотади, қанчага сотади — бу энди унинг иши. Маҳсулотнинг 60 фоизини эса хўжалик давлатга аниқ ёзиб қўйилган нархларда эмас (бунга эътибор беришингизни сўрайман), балки белгилаб қўйилган энг юқори нархларда сотиши шарт. Хирмон баракали ёки қутсиз келадиган йиллар бўлади. Ҳосилнинг чўғи паст бўлган йилларда биз нархни энг юқорига чиқаришимиз, хирмон баракали бўлганида эса чамалаб кўришимиз керак. Бу ўринда энг асосийси, қишлоқ хўжалик, саноат маҳсулотига нархларнинг мутаносиб (тенг) бўлишидадир. Биз олдимизга ана шундай мақсадни қўйганмиз.

Агар хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ўринда менинг фикрим қуйидагича: самарасиз шакллардан бошқа ҳаммаси маъқулдир. Шу масалалар хусусида сўнгги бир ярим йил ичида Ўзбекистонда 23 та қарор ва республика президентининг Фармони чиқди. Куни кеча ишбилармонлар ва фермер хўжаликларига давлат ёрдами тўғрисида қарор қабул қилдик, ушбу қарорни мен энг асосий қарор, деб ҳисоблайман. Бу катта ҳужжатдир. Биз Россия, Украина, қўшни республикаларда нималар қилинаётганини асос деб билиб ва уларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, ўз ҳужжатимизни тайёрладик. Ишбилармонликка нисбатан чеклашларни олиб ташладик. Улар ўз маҳсулотининг 60 фоизини эмас, балки 50 фоизини давлатга сотадилар. Шартномавий нархлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Давлат хўжаликлардан белгилаб қўйилган юқори нархларда, фермерлардан эса шартномавий нархларда маҳсулот сотиб олади. Маҳсулотнинг қолган 50 фоизини улар ўз нархлари билан сотадилар. Бунинг устига, икки йил мобайнида фермерлар ва ишбилармонлардан сира солиқ олинмайди. Улар божхона солиғини ҳам тўламайдиган бўлишди. Қаерда хоҳласангиз — ўша ерда сотаверинг. Маҳсулотингизга қараб пул топасиз. Майли, бюджетдаги муайян маблағдан маҳрум бўлиб қолсакда, лекин улар қаддиларини ростлаб олишади, кейинчалик эса ишбилармонлар ва фермерлар даромаднинг қанча қисмини давлатга беришлари ҳақида келишиб оламиз. Хуллас, фермерларга салмоқли ёрдам берилди. Бундан кўзда тутилган мақсад учта: оборот маблағларини, моддий-техника базасини бунёд этишда, чорва моллар ва бошқа зарур нарсаларни сотиб олишда ёрдам беришдир.

— Қашқадарё вилоятида икки фермер ҳузурида бўлдим. Улар қаддини ростлаб, ўзларини обдон тутиб олишибди. Буни алоҳида таъкидламоқчиман. Республика деҳқонлари қишлоқ хўжалик йилини қандай якунлашяпти?

— Ўзингиз кўриб турибсиз, бугунги вазиятда ғалаба сурури ҳақида гапириш жоиз эмас. Атрофимизда бўлаётган воқеалар ҳам деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришидаги ишларнинг аҳволига таъсир этди, албатта, аммо шунга қарамасдан қишлоқ меҳнаткашлари дадиллик билан ишламоқдалар. Умуман, пахта, пилла, қовунтарвуз етиштириш топшириқлари бажарилди. Сабзавот, дон ўтган йилдагига нисбатан кўп тайёрланди. Сут ҳарид қилиш ҳажмлари ҳам тўла адо этилади. Қайта ишлаш саноатининг кўп тармоқлари бир маромда ишламоқда. Аммо қишлоқ муаммолари камаймаяпти, албатта.

— Демак, Ўзбекистоннинг қишлоқ иқтисодиёти нисбатан дуруст эканда, бундай республикалар ончалик кўп эмас. Бунинг сири нимада: шарқона донишмандликми, сиёсий вазминликми, соғлом ақл-идроки!

— Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариб бўлмайди. Аввало, республика раҳбарияти қишлоқ аҳлига баракали ишлаш учун нормал шароит кераклигига асосланиб иш тутмоқда. Биз озиқ-овқат муамосини ҳал этишнинг илк нуқтаси деб мана шуни биляпмиз, зеро Ўзбекистондаги кўпчилик аҳоли қишлоқда яшайди ва ишлайди.

Республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш учун бир қанча муҳим тадбирлар кўрилди. Кейинги икки йил ичида бу хўжаликларни ривожлантириш учун 300 минг гектарга яқин суғорма ер ажратилди. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми 20 сотихга етказилди. Қишлоқларга кўп миқдорда бузоқ ва қўзи, жўжа, бир миллион тоннага яқин йирик ва ширали озуқа сотилди.

Жамоат ишлаб чиқаришида деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга зўр берилмоқда. Илгари пахта теримини ташкил этиш на қадар мураккаб бўлгани сизнинг эсингизда бордир. Бу иш билан ҳамма шуғулланар эди. Ўн минглаб ва баъзан ҳатто юз минглаб мактаб ўқувчилари, талабалар, ишчилар жалб қилинарди.

Биз пахтакорларнинг ўзига юқори ҳақ тўлай бошладик — қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун 40 тийин, машинада терилган ҳар тонна пахта учун 40 сўмгача ҳақ белгиладик. Масала ҳал бўлди, қўйди. Деҳқонлар ҳеч қандай ташвиқотсиз ўзлари далага чиқишди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг харид нархлари ҳам қайта кўриб чиқилди. Умуман унинг ҳақи бир ярим-икки баравар кўпайтирилди. Хўжалик юритишнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш йўлида жиддий қадам қўйилди. Ҳозир қишлоқда ижарачилар ва фермерлар ишлашмоқда. Бироқ колхоз ва совхозларнинг аҳамияти ҳам пасайтирилмаётгани эмас, балки 50 фоизини давлатга сотадилар. Шартномавий нархлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Давлат хўжаликлардан белгилаб қўйилган юқори нархларда, фермерлардан эса шартномавий нархларда маҳсулот сотиб олади. Маҳсулотнинг **ҳаммаси кўрониб турибди. Бунинг устига танглик ғобора кескинлашиб бормоқда, аҳволнинг яхшиланишидан эса дарак йўқ. Бир вақтлар қардош бўлган халқлар ўртасидаги бирлашув, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари ҳақида қандай фикрдасиз!**

— Ўзбекистон ташқарига кўп миқдорда турли хом ашё, маҳсулот ва моллар чиқарибгина қолмай, бир талай маҳсулотларни четдан олиб ҳам турибди. Жумладан, дон, қанд-шакар, ёнилғи, ёғоч, металл, автомобиллар ва бошқа кўпгина маҳсулотларни оляпти. Неча ўн йиллар давомида вужудга келган хўжалик алоқаларининг узилиши иқтисодиётга катта зиён етказиши равшан. Бу гап бизгагина таалуқли эмас. Биз ҳаммамиз бир-биримизга — боғлиқмиз. Вужудга келган аҳволни тузатиш учун ҳалол, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш керак бўлади. Бу муаммога жуда катта аҳамият берляпти. РСФСР, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон билан битимлар тузилди, бошқа республикалар билан музокаралар олиб борилмоқда. Аммо битимлар амал қила бошлашига эришиш ҳам керак.

— Жуда рўй-рос савол бермоқчиман: бизда нималар бўляпти, ўзи! Бу балоларнинг ҳаммаси қаердан келиб чиқди! Бузғунчилик жараёнларининг чеки борми, шу хусусдаги фикрингизни билмоқчи эдим!

— Куюниб эҳтиросларга берилмайлик. Рўй бераётган жараёнларни турли сиёсий кучлар турлича изоҳламоқдалар. Айтайлик, ҳозир ҳамма балолар учун фақат республикаларни айблаш расм бўлиб қолди. Ҳолбуки, ҳамма нарса айни марказдан бошлангани маълум. Керилиб, ҳар жойда, қандайдир болаларча енгилтаклик билан қуруқ ваъдалар берилаверди. Мен Москвада бир неча бор сўзлаган нутқимда: «Шошманглар, қайта қуриш деб аталган нарсанинг қонуниқоидаси борми, унинг стратегияси борми, деганда Президент Горбачев ошкора ғижиниб: «Сиз қандай қонун-қоида ҳақида гапиряпсиз, буни ҳаёт дейдилар. Биз ҳозир қилаётган ишларнинг ўзи концепция эмасми» деган гапларни айтди.

Мана, сизга позиция. Ончалик ўхшовли бўлмаса ҳам бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Фараз қилинг: омонат бўлганлиги учун дарҳол ағдарилиб тушишини ўйлаб-нетиб ўтирмай, уни қуришга киришилди. Масалан, бизнинг юртимизда, Ўзбекистонда тупроқ жуда юмшоқ, чўкувчан, аммо бошқа бирон-бир жойда бунинг акси бўлиши мумкин. Буни ҳисобга олмасдан бўладими, ахир. Гапнинг индаллосини айтганда, ўйни қайси пойдеворга, қандай лойиҳа асосида қуриш керакligини билиш керак. Биз қайта қуриш деб атаган жараён ҳар жиҳатдан пухта, жиддий ўйлаб, бир тўхтамга келинган бўлиши керак эди. Чунки бунинг нималигини халқ ҳали ҳам тушуниб етгани йўқ. Халққа: бундай яшаб бўлмайди, ўзингизни ўзингиз қайта қуринг ва тезроқ ҳаракат қилинг, деган сўзни айтишди, холос. Хўш, бу ишни қандай қилиш мумкин ёки лозим эди? Ҳамма даъватлар фақат бузғунчилик руҳида бўлди. Бунёдкорлик вазифалари ҳақида ончалик ўйлаб ўтиришмади. Одамлар: айтайлик, янги молиявий тизимни вужудга келтириш, бозорнинг таркибий ва кўмакчи соҳаларини барпо қилиш, янги кадрлар тайёрлаш, рақобатли иқтисодиёт руҳиятини жорий этиш ва шу каби ишларни қилиш истаги ҳақиқатан ҳам бормиди, деб ҳали ҳам ҳайрон бўлаётганликлари бежиз эмас. Чунки буларнинг ҳаммаси яшашга ҳалақит бераётган тузумни ўзгартиришнинг мажбурий қисмлари эди. Йўқ, бундай қилинмади, яна биз илгари қилган ишни — ҳамма нарсани бутунлай вайрон этишни қайтадан бошлаш йўли тутилди. Қўшиқда айтилганидек бўлди: «...Ҳаммасини таг-туги или бузамиз, сўнгра...». Сергак қишилар «Хўш, сўнграси нима бўлади? деб сўрашганида, улар, ҳеч бўлмаганда, консерваторлар қаторига қўшиб қўйилди.

Хўш, натижа нима бўлди? Қудратли бузувчилик жараёнлари бошланиб кетди. Асрлар бўйи вужудга келтирилган нарсаларни дунёдаги биронта мамлакат бу қадар жадаллик билан бузган эмас. Мен эскилик тарафдори эмасман, асло. Аммо бузишда ҳам ақл ишлатиш керак. Шарқда ўхшатишларни яхши кўришади. Масалан, фараз қилинг, рўпарангизда азм бино турибди. Сиз уни бомба жойлаб портлатиб юборавересизми. Бунда бино у ёқда турсин, теварак-атроф ҳам дабдала бўладику! Тадбиркор киши бундай қилмайди. Мен мажозий гапиряпман. Биз жамиятнинг ўтмишини ер билан яксон қилдик. Биз уни бутунлай вайрон этиб, яқин ўтмишга нисбатан нафрат уйғотдик, бу ўринда буйруқбозлик-маъмуриятчилик тизимини мутлақо ҳимоя қилмоқчи эмасман. Йўқ, у ҳеч кимга ёқмас эди. Уни қандай қилиб, қай тарзда ўзгартириш, миллионлаб кишиларнинг жиғига тегмаслик кераклигини тузукроқ ўйлаб кўриш керак эди. Айтинг-чи, банк-молия тизимини вайрон қилиб, пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши учун қойилмақом заминни яратиш мумкинмиди, ахир. Республикалар ўртасида қасддан зиддиятларни келтириб чиқариш мумкинмиди? Нега энди марказ ўз умрининг охирги кунларигача республикаларнинг ўзаро алоқаларига зўр бериб қарши бўлиб келди?

— Шундай қилиб, Минскка ва Ашхободга борилди...

— Ҳа, баракалла. Республикалар ҳозир марказдан юз ўгирганининг сабаби нима? Аввало шуки, у умрини яшаб бўлди, у эскилик сарқити бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам республикалар мустақиллиққа, ўз давлатчилигига интила бошладилар. Гапимга ишонсангиз, биз бу муаммоларни Москвада, Ново-Огареводаги ва бошқа жойлардаги учрашувларда таҳлил этмоқчи бўлганимизда Назарбоевни ҳам, мени ҳам, бошқаларни ҳам қоралашга уриндилар. Гўё бизни давлатни талқондек майдалаб ташлаяптилар, деган ва шу каби сўзлар билан айблашди. Оз бўлмаса, қўлларини бизга қилиб кўрсатишга уриндилар. Вайрон қилувчилик жараёнларини Каримов ёки Назарбоев эмас, балки марказнинг ўзи бошламаганмиди, ахир?

Марказнинг ўз қўлидаги барча ҳукмронлик тузилмаларини сақлаб қолиш учун қайсарлик билан қилган уринишлари аввал Минскдаги, сўнгра эса Ашхободдаги анжуманларни чақиришга мажбур этди. Ҳақиқий аҳвол мана шундай. Буни мен фожиа деб билмайман. Бизнинг астойдил ҳурматимизни қозонган энг йирик учта республиканинг раҳбарлари марказнинг ўзи қилиши лозим бўлган ишни қилишга жазм этдилар. Бу ишга юксак масъулиятни зиммага ола биладиган жуда қатъиятли сиёсатчи бўлмиш Б. Н. Ельцин алоҳида ҳисса қўшди. Мен бу кишиларни ҳурмат қиламан. Кравчук ҳам, Шушкевич ҳам тўла ишончга лойиқ кишилар. Улар асло ҳаддан ошмайдиган ва ўйламай қадам қўймайдиган жуда ишончли, оқил инсонлар. Эҳтимол, уларнинг учрашуви жуда тез ўтгандир ва бирмунча махфийлик тусини олгандир. Чамаси, улар билан ҳамкорлик қилаётган бошқа республикалар билан янги ёндашувларни лоақал умумий тарзда бўса ҳам келишиб олиш керак эди. Шунга қарамай, ниҳоят, мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлигини тузишга қарор берган Россия, Украина ва Беларусь раҳбарларига офарин айтмоқ керак. Янги ҳамдўстлик олий бюрократик тузилмаларисиз, ўзига қўшилмоқчи бўлган ҳамма республикаларни ихтиёрий равишда йиғиб, беҳисоб тўралардан ўвини ҳимоя қила олади. Назаримда, бу тўралар энди Минскка ончалик тез етиб бора олмайдилар.

Айни вақтда кўпгина мураккаб масалалар даргумон бўлиб турганини яширмоқчи эмасман. Армия масаласи улар орасидаги энг муҳим масаладир. Бу — жуда нозик, принципиал, таъбир жоиз бўлса, миллатлараро, давлатлараро масаладир. Шу сабабли уни махсус ва чуқур муҳокама қилмоқ керак.

Бюджет, қарз, валюта, пул тизими масалалари бошқа англашилмовчиликлар жумласига киради, Биз бу масалаларни эътиборсиз қолдира олмаймиз, аммо уларни ҳал этиш мумкинлигига ишонамиз. Шу сабабли ваҳимага тушиш учун асос йўқлигига газетхонларни ишонтирмоқчиман. Муайян кучлар шундай ваҳимани юзага келтирмоқдалар ва энг даҳшатлиси шуки, аввало, Россиядан ташқарида яшаб турган рус тилида сўзлашувчи аҳолини асабийлаштиришни хоҳламоқдалар. Бу — энг бемаъни ҳаракатлар бўлиб, шу ҳаракатларни қатъият билан тўхтатиш керак.

— Ислом Абдуғаниевич, шу муносабат билан Сизга тўғридан-тўғри бир саволни бермоқчиман: Сиз ўз республикангизда рус тилида сўзлашувчи аҳолини ҳимоя қила оласизми! Ҳозир республикангиздаги аҳвол барқарор. Мен буни ҳис этдим. Бироқ, ҳар ҳолда русларда бироз ташвиш бор...

— Одамлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги биз учун қуруқ сўзлар эмас. Мен Ўзбекистоннинг Президенти сифатида ҳамма учун: ўзбеклар учун ҳам, руслар учун ҳам, татарлар учун ҳам, яҳудийлар учун ҳам жавоб бераман. Яқинда Навоий ва Зарафшон шаҳарларида руслар ҳузурида гапирдим, ўшанда: агар, худо кўрсатмасин, беҳосдан қандайдир кутилмаган ҳодиса рўй бергудек бўлса, мен сизларга аскарларни ҳам, бронетранспортерларни ҳам юборишни ваъда қилмайман. Тўппа-тўғри сизларнинг ёнингизда бўламан, деб аниқ ва қатъий қилиб айтдим. Агар ўзбек халқининг соф қалби ва олижаноблиги эътиборга олинадиган бўлса, у ўзи билан бирга яшаб турган ҳамма кишиларни кўрак кериб ҳимоя қилишига ишончим комилдир.

— Ислом Абдуғаниевич, кўпдан-кўп учрашувларим вақтида сизнинг республикангизда тил, миллий анъаналар, маданият хусусида туб жойли бўлмаган аҳолининг муаммоларига анчагина ҳурмат ва назокат билан ёндошилганига ишонч ҳосил қилдим. Аммо, эҳтимол, ҳали муаммолар бордир.

— Миллатлараро муносабатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва миллий-маданий муаммоларнинг жуда мураккаб мажмуасидан иборат. Шу қадар нозик ишда кескин иш тутиш, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан жуда зарур бўлса ҳам, жараёнларни жадаллаштириш асло ярамайди. Шу сабабли биз давлат тили ҳақида Қонун қабул қилганимизда уни амалга ошириш учун нисбатан узоқ муддатни кўзда тутдик. Оз сонли миллатларнинг ўқуқлари ва кафолотлари амалда рўёбга чиқарилмоқда. Бизда 50 тадан кўпроқ миллий-маданий марказ ишлаб турибди, республика миллатлараро маркази бор. Республикада уюшиб яшаб турган миллий гуруҳларнинг тилларида таълим ва тарбия бериладиган мактаблар, синфлар, болалар муассасалари очилмоқда.

Бироқ ростини айтсам, бу соҳада қилинаётган ишлардан ҳали қаноат ҳосил қилмаяпман. Маблағ ва воситалар, айниқса, кадрлар етишмаслиги, моддий-техникавий базанинг заифлиги, аҳвол-руҳиятдаги сийқа усуллар ва тўсиқлар сезилиб турибди. Давлат тузилмалари билан жамоатчиликнинг ҳамкорлик қилишга ҳайрихоҳлиги ва манфаатдорлигигина умид бахш этмоқда. Ўзбек миллий маданияти, тили, анъаналарини ҳаққоний равишда тиклаш ва ривожлантириш аҳолининг бошқа миллий гуруҳларидаги мана шундай жараёнлар ҳисобига бўлмаслиги лозимлигига асосланамиз.

— Урток Президент, суҳбатимиз охирида қандай тилаклар билдирмоқчисиз!

— Ўзбекистон — бадавлат, тинчликсевар, кўп миллатли ўлка. Унинг эрксевар халқи дунёдаги барча мамлакатлар ва халқлар билан, аввало, узоқ йиллар давомида мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий иттифоқда бўлиб келган мамлакатлар ҳамда халқлар билан тенг мулоқотда бўлишни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни, фаол ўзаро ёрдамлашишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Суҳбатдош М. ШАРО.

(«Сельская жизнь»нинг 21 декабрь сонидан).

ОДИЛОВ ИШИ ОДИЛОНА КЎРИЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Аввал хабар қилганимиздек, саккиз йил собиқ марказ хибсхоналарида бир тутам адолатга зор бўлиб ўтирган Аҳмаджон Одилов ниҳоят хибсдан бўшатилди. Энди унинг иши Тошкентда, жумҳуриятимиз пойтахтида — Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилмоқда. Табиийки, ғишт қолипдан осонликча кўчгани йўқ. Ўртага халқ депутатлари, ҳуқуқшунослар, журналистлар аралашдилар. Масалага шахсан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов аралашгач, иш жойидан қўзғалди. Президент ҳақ жойида қарор топсин дедилар.

Узоқ танаффусдан сўнг 23 декабрь куни суд мажлиси бўлиб хибсдаги кишилар, шу жумладан Аҳмаджон Одилов ҳам хибсдан бўшатилди.

Турсунбой ТОЖИЕВ,

адвокатлар ва ҳуқуқшунослар уюшмаларининг аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, А. Одилов иши бўйича адвокат.

Суратда: А. Одилов очиқликка чиққан пайти. В. ПАНОВ олган сурат.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг мурожаатномаси

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ҳимоялаш учун ҳамма иш қилиниши керак.

Биз янги дунёда яшаяпмиз:

— Иқтисодиётимизни, ижтимоий онгни ва ахлоқни йўлдан оздирган «совуқ уруш» барҳам топди, қуролланиш пойгаси ҳамда мамлакатни телбаларча ҳарбийлаштириш тўхтатилди. Жаҳон уруши хавфи тугатилди.

Ўтиш даврида мен ядро қуроли устидан ишончли назоратни сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўрганимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Биз дунёга юз очдик, ўзгаларнинг ишларига аралашишдан, мамлакат ташқарисида қўшинлардан фойдаланишдан воз кечдик. Шу туфайли бизга ишонч, бирдамлик ва ҳурмат билан қарай бошладилар.

— Биз ҳозирги замон маърифатини тинч, халқчил негизларда қайта қуришнинг асосий таянчларидан бири бўлиб қолдик.

— Халқлар, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлини бемалол эркин танлай бошладилар. Кўпмиллатли давлатни демократик негизларда ислоҳ қилиш йўлларини излаш орқали биз янги иттифоқ шартномасини тузишга яқинлашиб қолган эдик.

IV.

Мана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси зўр куч-ғайрат сарфлашни талаб қилди, ўткир кураш, умри тугаган, эски, реакцион кучларнинг — аввалги партия-давлат тузилмаларининг ҳам, хўжалик идораларининг ҳам, қолаверса, одатланиб қолган усулларимиз, мафкуравий хурофотлар, текисчилик ва боқувлик руҳиятининг ҳам қаршилиги кучайган шароитда ўтди. Бу ўзгаришлар бизнинг тоқатсизлигимизга, сиёсий маданиятимизнинг паст савиясига, ўзгаришлардан қўрқишимизга дуч келди.

Шу сабабли кўп вақтни бой бериб қўйдик. Янги тизим ишлай бошлашга улгурмасданоқ, эски тизим барбод бўлди. Шу сабабли жамиятдаги танглик баттар кескинлашди.

Ҳозирги оғир вазиятдан норозиликни, барча даражалардаги ҳокимият ва шахсан менинг фаолиятим қаттиқ танқид қилинаётганини биламан. Бироқ яна бир бор шуни таъкидламоқчиман: бу қадар катта мамлакатда ва мана шундай камчиликлар шароитида туб ўзгартишлар оғриқсиз, қийинчиликсиз ва ларзаларсиз рўй бера олмайди.

Август исёни умумий тангликни охирги чегарага олиб борди. Давлатчиликнинг инқирози — танглиқдаги энг ҳалокатли ҳодиса бўлди. Одамларимиз буюк мамлакатнинг фуқаролигидан маҳрум бўлганлиги мени ҳозир ҳам ташвишга соляпти — бунинг оқибатлари ҳамма учун жуда оғир бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларнинг демократик ғалабаларини сақлаб қолишни ҳаётий муҳим вазифа деб ҳисоблайман. Бутун тарихимиз давомида фожиали тажрибамиз туфайли не машаққатлар билан шу ғалабаларга эришдик. Ҳар қандай шароитда ҳам ва ҳар қандай баҳоналар билан шу ғалабалардан воз кечиб бўлмайди. Акс ҳолда яхшилик ҳақидаги ҳамма умидлар пуч бўлиб чиқади.

Бу гапларнинг ҳаммасини мен виждонан ва тўппа-тўғри айтяпман. Бу — менинг маънавий бурчим.

V.

Бугун мамлакатни янгилаш сиёсатини қўллаб-қувватлаган, демократик ислоҳотларни амалга оширишга қўшилган барча фуқароларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Бизнинг фикр-ўйларимизни тушунган, қўллаб-қувватлаган, бизга хайрихоҳлик билдирган, биз билан самимий ҳамкорлик қила бошлаган чет эллардаги давлат, сиёсат ва жамоат арбобларидан, миллион-миллион кишилардан миннатдорман.

Мен ўз лавозимимдан ташвиш билан кетяпман, аммо умидим ҳам бор, сизларга, сизларнинг ақл-заковатингизга ва руҳингиз кучига ишонаман. Биз — буюк маърифат меросхўрларимиз, модамики шундай экан, шу маърифат ҳозир янги замонавий ва муносиб турмуш манфаатлари йўлида тикланиши ҳаммага ва ҳар бир кишига боғлиқдир.

Шу йилларда мен билан бирга ҳаққоний ва эзгу иш томонида турган барча кишиларга чин қўнгилдан ташаккур айтмоқчиман. Эҳтимол, бирон-бир хатога йўл қўймаслик, кўпгина ишларни яхшироқ қилиш мумкин эди. Аммо мен умумий куч-ғайратларимиз эртами кечми самара беришига, халқларимиз гуллаб-яшнаб турган демократик жамиятда яшайдиган бўлишларига ишонаман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик тилайман».

ДИЛДАН БЎЛГАН МУЛОҚОТ

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилояти сайловчилари республика Президенти И. Каримов билан бўладиган сайловолди учрашувни муштоқлик билан кутаётган эдилар. Бу муштоқлик Ислом Абдуғаниевичнинг мустақил давлатлар президентларининг Ашхобод ва Олмаотадаги учрашувлари, унинг Туркияга қилган сафаридан кейин янада кучайган эди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси А. А. Айдарқулов учрашувга бағишланган йиғилишни очар экан, вилоят меҳнат жамоалари жумҳурият Президентлигига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини зўр кўтаринкилик билан қабул қилишиб, унинг номзоди учун якдиллик билан овоз беришга шай эканликларини айтди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси И. Ў. Қўчқоров йиғилганларни И. А. Каримовнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди.

Меҳнат ва партия фахрийси И. Каримов ўзининг дил изҳорини шундай баён қилди: Ўзбекистонимизга юз йилдан ортиқ орзу қилиб келинган мустақиллик даври келди. Энди ана шу мустақилликни маҳкам ушлаб қолишимиз лозим. Бунинг учун бизга юксак иродали, кучли, мард, ўз юрти учун жонини ҳам аямайдиган раҳбар керак. Бундай раҳбар Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.

Президентликка номзод И. А. Каримовнинг ютуқларидан бири шуки у уддабурон, ишбилармон кишиларга кенг йўл очмоқда. Унинг бевосита ёрдами билан бизда яқинда Италия билан қўшма корхона очилди. Бу корхона йилига районимизга 500 миллион сўм даромад келтиради, дейди ўз сўзида халқ депутатлари Оқолтин район Кенгашининг раиси А. Қаюмов.

Ўзбекистон халқ депутати Ф. Мирзаева, Янгиер шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Б. Н. Зажицкий, ХДП Ховос район Кенгаши раиси Р. Мусаев ўз сўзлари сўнгида ҳаммани И. А. Каримов учун овоз беришга чақир

• БИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ДАРҒА

Исмоил Салимов 1910 йили таваллуд топган. Ҳозир Халқ демократик партиясининг аъзоси бўлиб, унинг ўтмишдошлари сафига 1930 йилда қабул қилинган эди. Фрунзе номидаги ҳарбий академия ҳамда Ўрта Осиё дорилфунунининг шарқшунослик куллиётида таҳсил олган. 1924—1934 йилларда Фарғона тўқимачилик фабрикасида оддий ишчи ва уста ёрдамчиси бўлган. 1947 йилгача Совет Армияси сафида, Улуғ Ватан урушларида қатнашиб, чавандозлар полки командирининг комиссари бўлди.

Урушдан кейинги даврларда, хусусан 1974 йилга қадар республика давлат режа қўмитасида бўлим мудири, қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари, ташқи алоқалар қўмитаси ҳамда Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашида бўлим мудири бўлиб хизмат қилди. Унинг ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Кўпчилик Исмоил акани «Тошкент чавандози» китоби орқали яхши билади. Ҳозир Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер бўлиб, республикада юз бераётган катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатини билдириб турибди.

Республика рўзномаларида эълон қилинган «Бизнинг ўз йўлимиз бор» сарлавҳали мулоқотни ўқиб чиққандан кейин Президентимиз Ислом Абдуғаниевич ҳақидаги ўй-фикрларим, мулоҳазаларим янада жўш уриб кетди. Гапнинг сирасини айтсам, халқимизнинг бахти бор экан. Президентимиз республикамизга бошчилик қила бошлаган даврни бир тасаввур қилиб кўрингга. У кишининг раҳбарлик фаолияти республиканинг ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутган, иқтисодиёти танг аҳволга келиб қолган бир шароитда бошланди.

Одамлар кўп ўтмай бу кишининг ҳақиқий инсонлигини, истеъдод соҳиби ва ташкилотчилигини, тадбиркор ва айни пайтда меҳрибон бошлиқ эканини билиб, чин дилдан эътироф эта бошладилар. Толмас иродали, довюрак, бир сўзли, халқпарвар, байналмилалчи, ўзига хос ҳазилмутойиба эгаси бўлган Ислом Абдуғаниевич миллионларнинг меҳрини, ҳурматини қозониб тургани ҳам шундан. Кекса ва тажрибали хизматчи сифатида мен у кишининг айрим жиҳатларини халқ иши учун фидокор раҳбарларимиздан бўлган Усмон Юсуповга ўхшатгим келади.

Иқтидорли иқтисодчи сифатида Ислом Каримов тадбиркорлик билан, ишнинг кўзини билиб, ташқаридан ҳеч қандай ёрдам кутмай, имкони борича қисқа фурсатда етмиш йилдан кўпроқ ҳукм сурган тузум гирдобидан, республикамизни қолоқлик ва қарамликдан олиб чиқишга қатъий бел боғлади. Буни ҳамма сезиб, мамнуният билан хайрли ишларга омад тилаб, дуо қилиб турибди. И. Каримов ўзбек халқини ўзининг бой маънавий мероси билан ҳақли равишда фахрланишга даъват этмоқда. Қадриятларимизни, хусусан, миллий маданият, маросим ва удумларни қайта тиклаб, тилимизни ҳамма халқлар орасида тенг кўришни лозим топди. Кўпчиликка, шу жумладан менга маъқул бўладиган савобли ишларидан бири шуки, бировни оқ, бошқасини қора демай, — ҳаммага ҳиммат ва меҳрибонлик кўрсатиш, тенг кўриш ва саховатпешалик билан турли миллат вакиллари ўртасида эзгулик уруғини сочишига ҳаракат қилмоқда. Шоир айтмоқчи халқ кучдир, халқ денгиздир, халқ тўлқиндир. Бундай катта имкониятни тасарруф этиш эса ўта билимдон раҳбарнинг моҳирлик билан катта карвонга сарбонлик қилишига боғлиқдир.

Ўзбекистонда ҳамма пахтакорга айланиб, миллату элатлар «изм»лар даврининг қурбони бўлиб қолгани сир эмас. Ҳаммамизга маълумки, бошида билиб-билмасдан бошланган, эндиликда қалбакилиги фош бўлиб қолган қайта қуришнинг нафасидан баҳрамандлик, эркинлик ҳис этилди. Лекин давр ўз ҳукмини чиқаради. Умр бўйи Москванинг сўзи ва тартиби билан яшашга барҳам берилди. Халқимизни зўриқтириб, кучининг қаймоғини олишлар, камситиш, эътиборсизлик ва ишончсизликларнинг олди олинди. Ислом Абдуғаниевичдек довюрак, дадил, журъатли донишманднинг бошлаб юборган катта иши туфайли бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил байроғи, овозига эга бўлиб турибди.

Гоҳида ўйлаб қоласан киши. Собиқ СССР халқларини номига ҳамдўстликка, ҳамжиҳатликка чақириб, бир оила бўлиб яшашга ундаган ҳолда ташқи дунёнинг хавф солаётганини уқтиравериш, бунинг учун янада кўпроқ ғайрат билан ишлаш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш керак, деб сафсата сотишлар кимга зарур эди. Шунинг учун ҳам миллионларнинг меҳнати туфайли дунёга келган катта бойликнинг ярмидан кўпи қуролланишга сарф бўлди. Оқибатда одамлар бирини икки қилолмай, тенглар ичида тенг бўлолмай, орзулари поймол бўлиб юравердилар. Ва ниҳоят Октябрдан кейин бошланган тузум ўзини оқламаётганлиги равшан бўлиб қолди.

Умуман олганда бугунги кунда Олмаота учрашувидан кейин Мустақил давлатлар ҳамжамияти номини олган собиқ республикалар иқтисодиёти, яшаш тарзи ҳар жиҳатдан орқага кетган эди. И. Каримов бир ёқлама, яъни пахта яккаҳокимлиги тарзида ривожланган, саноати қолоқ даражага тушиб қолган, иқтисодиёти мушкуллашган Ўзбекистон халқининг келажагига умид билан қараш, одамларни ҳаётбахшликка ундаб, руҳини кўтаришга ҳаракат қилди ва бу борада эришилаётган ютуқлар ҳам чакки бўлмаяпти. Президентимиз мустақил Ўзбекистонда, аввало, иқтисодиёт, кейин сиёсат ва маънавиятни мустаҳкамлаш йўли билан ўзбек халқи минг йиллик орзуларининг ушалишига йўл очиш мумкин эканлигини таъкидламоқда.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилингандан кейин унинг ҳудудидаги барча имкониятлар ва бойликлар ҳам халқникидир, деган хушхабар маълум қилинди. Кейинги икки йил мобайнида Президентимиз имзоси билан эълон қилинган қарору фармойишлар Ўзбекистон халқини иқтисодий ҳимоя қилиш, келажагини таъминлашга қаратилгани ҳам шундан. Мен собиқ Коммунистик партиянинг фахрийси, Халқ демократик партиясининг аъзоси, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши иштирокчиси сифатида Президентимиз фаолиятини миннатдорчилик билан маъқуллайман.

Яна бир гап. Биз бундай инсон билан фахрланиш билан бирга, уни асраш ҳақида ҳам ўйлашимиз ва қайғуришимиз зарур, деб биламан. Холис ниятим шуки, таъбир жоиз бўлса Президентлик масканида Ислом Абдуғаниевич билан биргаликда ҳамнафас бўлиб, сафдошлик қилиб, катта ишларни охирига етказишга азму қарор қилган раҳбарлар, мутахассислар, қолаверса, илм аҳллари бир зум ҳам эътиқод, садоқат, ишонч ва дўстликка раҳна солмасликлари керак, деб ўйлайман. Шунинг учун Президентимиз ўзлари билан бирга ишловчи, ҳамкорлик қилувчи кадрларни танлашда уларнинг тили билан дили, сўзи билан иши бир бўлишига, ҳамиша ҳалоллик ва поклик йўлини тутишига, ўзининг бутун иқтидори, ақл-заковатини халқ ишига бағишлашга тайёр инсонларни танлашга аҳамият беришлари керак, деган фикрдаман. Ўзбек халқи камтар, вазмин, камсуқум, соддадил ва айни пайтда, ўз ҳолига қўйсанг ишбилармон, юксак тафаккур ва қобилият эгаси эканини ҳам унутмайлик. Иншоолло, яқин келажакда насиб этса кекса бўлсам ҳам ўзбек халқининг бой ва фаровон турмуш тарзини кўришликдан умидворман.

Исмоил САЛИМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИ ЎРТАСИДА КОНСУЛЛИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ АЙИРБОШЛАШ ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида қайд этилган мақсад ва принциплар ҳамда 1963 йилда имзоланган Вена консуллик алоқалари ҳақидаги конвенцияга асосланиб,

Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасида консуллик алоқалари ўрнатилиши ўзбек ва турк халқлари орасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга ёрдам бериши ва ҳар икки халқнинг манфаатларига мос келишига ишониб,

Тошкент ва Анқара бош консулликлар даражасида консуллик ваколатхоналари очишга қарор қилдилар.

Олий келишувчи томонлар консуллик ваколатхоналари ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги сиёсий, савдо, иқтисодий, илмий, технологик ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, ўз халқлари ҳамда давлатлари манфаатларига мос келишига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Шаҳло МАҲМУДОВА
ташқи ишлар вазири

Ушбу протокол ҳар икки томоннинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланиб расмийлаштирилгач кучга киради.

Ушбу протокол 1991 йил 19 декабрда Анқара шаҳрида ўзбек ва турк тилларида икки нусхада имзоланди, протоколнинг ҳар икки матни бир хил кучга эга.

Туркия Жумҳурияти ҳукумати номидан
профессор Эрдал ИНЕНЮ
ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи, Бош вазир ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ВА ТУРКИЯНИНГ АНАДУЛ АГЕНТЛИГИ ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИШ ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Маркази Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида жойлашган ва директори Эркин Ҳайитбоев вакиллик қилаётган Ўзбекистон Ахборот агентлиги ҳамда маркази Туркия Жумҳуриятининг Анқара шаҳрида жойлашган ва бош директори Бехичем Экши вакиллик қилаётган Туркиянинг Анадул агентлиги ривож топаётган ўзбек—турк муносабатларига ҳисса қўшиш мақсадида ахборот ва суратлар алмашиш, ўзаро техникавий ёрдам кўрсатиш ва кадрлар етиштириш ҳақида мазкур протоколни имзоладилар.

1-модда

ЎзТАГ ва Анадул агентлиги ахборот ва суратлар алмашувини муштарак асосда ва бегараз амалга оширишга кафолат берадилар.

2-модда

Томонлар ўз мамлакатларининг оммавий ахборот воситаларига бир-бирларидан хабарлар ва суратларни тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

3-модда

Хабарлар ва суратларни тарқатишда томонлар асл манбаларни кўрсатиш ҳамда хабарлар ва суратларнинг асл маъносини сақлаш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

4-модда

Томонлар ўзларининг моддий имкониятларидан келиб чиқиб, ўз мамлакатларида ўзга тарафнинг мухбирларини аккредитация қиладилар.

5-модда

ЎзТАГ ва Анадўл агентлиги муштарак асосда, журналист ва техникавий ходимларни малака ошириш мақсадида тенг нуфузда таклиф этадилар. Қабул қилувчи томон, бир мамлакатдан иккинчисига етиш харажатларини истисно қилган тарзда, айни мамлакат ҳудудидаги барча чиқимларни ўз зиммаларига оладилар.

6-модда

Томонлар хабар алмашувини ҳозирги замон техникавий воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширишга ёрдам бериши ва ҳар икки халқнинг манфаатларига мос келишига ишониб,

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги алоқаларни, ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан Туркия Радио ва телевидение ташкилоти (бундан буён томонлар деб аталади) қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар радиоэшиттириши ва телевидение орқали кўрсатиш учун тайёрланган дастурларни пул ҳисоб-китоби асосида ёки ўзаро ҳамжиҳатлик қоидасига мувофиқ бепул айирбошлашга келишадилар. Шу мақсадда томонлар мазкур протокол кучга киргандан кейин бир ой мобайнида шартлари ва зарур тафсилотлари кўрсатилиб, ёзма равишда қайд этилган дастурларнинг рўйхатларини айирбошлайдилар, шу дастурларни бепул айирбошлаш ёки сотиш ёхуд ижарага олиш назарда тутилади. Таклифларнинг бундай рўйхатлари йилига камида икки марта айирбошланади.

2-модда

Томонлар дастурни таклиф рўйхатидаги дастурлар орасидан танлаб олиниб, берилган буюртмаларга мувофиқ, буюртма берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида юборадилар. Юборилаётган дастурларга изоҳларнинг матнлари инглиз ёки француз тилларида тузилган бўлиши керак.

3-модда

Айирбошланган радиотелевизион материални жўнатиш билан боғлиқ сарф-харажатларни жўнатувчи ташкилот ўз зиммасига олади; материални қайтариб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни эса шу материални қайтараётган ташкилот ўз зиммасига олади. Қайтариш шарти алоҳида таъкидлаб ўтилмаган ҳолларда дастурлар тегишли ташкилотда қолади.

4-модда

Томонлар айирбошланадиган радиотелевизион дастурлардан фақат ўзларидагина эшиттириш ва кўрсатиш учун фойдаланадилар ва уларни эшиттириш ҳамда кўрсатиш мақсадида бошқа шахслар ёки ташкилотларга бермайдилар.

5-модда

Томонлар айирбошланадиган радиотелевизион дастурларнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уларни қисман, тўла-тўкис эшиттириш ва кўрсатишда ёки уларни умуман эшиттирмаслиқ ва кўрсатмасликда эркиндирлар.

6-модда

Томонлар айирбошлаш йўли билан олинган радиотелевизион дастурлар эшиттирилган ва кўрсатилгандан сўнг 30 кун мобайнида эшиттириш ҳамда кўрсатувнинг номи, вақти ва санаси тўғрисида дастурни тайёрлаган ташкилотни ёзма равишда хабардор қиладилар.

7-модда

Ушбу протоколга мувофиқ айирбошланган дастурлардан фойдаланиш муносабати билан уни эшиттириш ва кўрсатиш ҳуқуқига ҳамда муаллифлик ҳуқуқига нисбатан эҳтимол тутилган даъволар пайдо бўлган ҳолларда бу хусусда юзага келадиган муаммолар дастурни йўллаган ташкилот томонидан бартараф этилади.

8-модда

Томонлар дастурларни биргаликда тайёрлаш тўғрисидаги таклифларни ҳар гал алоҳида-алоҳида кўриб чиқадилар, муҳокама жараёнида мавзуни, бюджетни, сценарийни, техник ва режиссёрлик жиҳатидан қатнашишни кўрсатадилар; биргаликда тайёрлаш шартлари алоҳида протоколда қай этилади.

9-модда

Томонлар ўзаро ҳамжиҳатлик асосида ва ўз имкониятлари доирасида ҳар иккала мамлакатда ташкил этиладиган радиотелевизион фестивалларда, танловларда, маданий тадбирларда иштирок этадилар.

10-модда

Томонлар ҳамжиҳатлик қоидаси асосида ахборот ва тажриба айирбошлаш мақсадида мутахассисларни айирбошлашлари мумкин. Бундай айирбошлаш мақсадлари, муддатлари ва шартлари алоҳида белгиланади.

11-модда

Томонлар ўз мамлакатларига иккинчи томоннинг вакиллари ва мансабдор шахслар турли сабаблар билан сафар қилганларида, агар улар бу ҳақда олдиндан хабардор қилиб қўйилган бўлсалар, ўз имкониятлари доирасида уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашадилар ва ёрдам берадилар.

12-модда

Томонлар телевидение ва радиоэшиттириш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзларининг турли таклифлари тўғрисида ёзишмалар орқали бир-бирларини хабардор қилиб турадилар.

13-модда

Томонлар, зарур бўлган ҳолларда, ўз мамлакатларида ҳамкорликнинг бориши ва уни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида навбатма-навбат учрашувлар ўтказадилар.

14-модда

Мазкур протокол имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва бир йил мобайнида амал қилади. Агарда томонларнинг бирортаси шу муддат тугашидан уч ой олдин протоколнинг амал қилишини тўхтатиш истагини ёзма равишда билдирмаган тақдирда, у яна бир йилга ўз-ўзидан узайтирилади.

Ушбу протокол 1991 йил 19 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва турк тилларида имзоланди, ҳар иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги номидан
Эркин ҲАЙИТБОЕВ
Ўзбекистон Ахборот агентлиги директори

Туркия Анадўл агентлиги номидан
Бехичем ЭКШИ
Туркия Анадўл агентлиги бош директори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИЛАН ТУРКИЯ РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАШКИЛОТИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Икки мамлакатнинг телевидение ҳамда радиоэшиттириш ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни, ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан Туркия Радио ва телевидение ташкилоти (бундан буён томонлар деб аталади) қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Томонлар радиоэшиттириши ва телевидение орқали кўрсатиш учун тайёрланган дастурларни пул ҳисоб-китоби асосида ёки ўзаро ҳамжиҳатлик қоидасига мувофиқ бепул айирбошлашга келишадилар. Шу мақсадда томонлар мазкур протокол кучга киргандан кейин бир ой мобайнида шартлари ва зарур тафсилотлари кўрсатилиб, ёзма равишда қайд этилган дастурларнинг рўйхатларини айирбошлайдилар, шу дастурларни бепул айирбошлаш ёки сотиш ёхуд ижарага олиш назарда тутилади. Таклифларнинг бундай рўйхатлари йилига камида икки марта айирбошланади.

2-модда

Томонлар дастурни таклиф рўйхатидаги дастурлар орасидан танлаб олиниб, берилган буюртмаларга мувофиқ, буюртма берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида юборадилар. Юборилаётган дастурларга изоҳларнинг матнлари инглиз ёки француз тилларида тузилган бўлиши керак.

3-модда

Айирбошланган радиотелевизион материални жўнатиш билан боғлиқ сарф-харажатларни жўнатувчи ташкилот ўз зиммасига олади; материални қайтариб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни эса шу материални қайтараётган ташкилот ўз зиммасига олади. Қайтариш шарти алоҳида таъкидлаб ўтилмаган ҳолларда дастурлар тегишли ташкилотда қолади.

4-модда

Томонлар айирбошланадиган радиотелевизион дастурлардан фақат ўзларидагина эшиттириш ва кўрсатиш учун фойдаланадилар ва уларни эшиттириш ҳамда кўрсатиш мақсадида бошқа шахслар ёки ташкилотларга бермайдилар.

5-модда

Томонлар айирбошланадиган радиотелевизион дастурларнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уларни қисман, тўла-тўкис эшиттириш ва кўрсатишда ёки уларни умуман эшиттирмаслиқ ва кўрсатмасликда эркиндирлар.

6-модда

Томонлар айирбошлаш йўли билан олинган радиотелевизион дастурлар эшиттирилган ва кўрсатилгандан сўнг 30 кун мобайнида эшиттириш ҳамда кўрсатувнинг номи, вақти ва санаси тўғрисида дастурни тайёрлаган ташкилотни ёзма равишда хабардор қиладилар.

7-модда

Ушбу протоколга мувофиқ айирбошланган дастурлардан фойдаланиш муносабати билан уни эшиттириш ва кўрсатиш ҳуқуқига ҳамда муаллифлик ҳуқуқига нисбатан эҳтимол тутилган даъволар пайдо бўлган ҳолларда бу хусусда юзага келадиган муаммолар дастурни йўллаган ташкилот томонидан бартараф этилади.

8-модда

Томонлар дастурларни биргаликда тайёрлаш тўғрисидаги таклифларни ҳар гал алоҳида-алоҳида кўриб чиқадилар, муҳокама жараёнида мавзуни, бюджетни, сценарийни, техник ва режиссёрлик жиҳатидан қатнашишни кўрсатадилар; биргаликда тайёрлаш шартлари алоҳида протоколда қай этилади.

9-модда

Томонлар ўзаро ҳамжиҳатлик асосида ва ўз имкониятлари доирасида ҳар иккала мамлакатда ташкил этиладиган радиотелевизион фестивалларда, танловларда, маданий тадбирларда иштирок этадилар.

10-модда

Томонлар ҳамжиҳатлик қоидаси асосида ахборот ва тажриба айирбошлаш мақсадида мутахассисларни айирбошлашлари мумкин. Бундай айирбошлаш мақсадлари, муддатлари ва шартлари алоҳида белгиланади.

11-модда

Томонлар ўз мамлакатларига иккинчи томоннинг вакиллари ва мансабдор шахслар турли сабаблар билан сафар қилганларида, агар улар бу ҳақда олдиндан хабардор қилиб қўйилган бўлсалар, ўз имкониятлари доирасида уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашадилар ва ёрдам берадилар.

12-модда

Томонлар телевидение ва радиоэшиттириш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзларининг турли таклифлари тўғрисида ёзишмалар орқали бир-бирларини хабардор қилиб турадилар.

13-модда

Томонлар, зарур бўлган ҳолларда, ўз мамлакатларида ҳамкорликнинг бориши ва уни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида навбатма-навбат учрашувлар ўтказадилар.

14-модда

Мазкур протокол имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва бир йил мобайнида амал қилади. Агарда томонларнинг бирортаси шу муддат тугашидан уч ой олдин протоколнинг амал қилишини тўхтатиш истагини ёзма равишда билдирмаган тақдирда, у яна бир йилга ўз-ўзидан узайтирилади.

Ушбу протокол 1991 йил 19 декабрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва турк тилларида имзоланди, ҳар иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети номидан
Бахтиёр ҲАМИДОВ
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари

Туркия Радио ва телевидение ташкилоти номидан
К. АЙДИН ЭРДАМ
Туркия радио ва телевидение ташкилоти бош директори

Қашқадарё вилоятидаги Бешкент халқ истеъмоли буюмлари фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида янги-янги цехлар, филиаллар барпо этиляпти. Уларнинг барчаси замонавий технология жиҳозлари билан таъминланмоқда. Шу боис бу ерда маҳсулот тайёрлаш кўпайиши билан бирга анчагина қўшимча ишчи жойлари ҳам ташкил қилиняпти. Кейинги пайтда ишловчилар сони 20 фоизга ошгани бундан далолат. Ҳозир корхонада бу йўналишдаги тадбирлар давом этмоқда.

СУРАТДА: тикув цехи устаси Р. Турсунова (чапда) ўз шогирди Н. Пўлатовага касб сирларини ўргатаяпти.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик ишлари поёнига етмоқда. Шу муносабат билан «Ўзбекистон овози» мухбири Республика Олий Кенгаши Советлар иши ташкилий бўлими мудири Ўринбосари Сергей Алексеевич ИВАНЧЕНКОга мурожаат қилди.

— Сергей Алексеевич, республикамиз меҳнаткашлари ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — президент сайлови ва референдуми арафасидамиз. Овоз бериш кунига сайлов участкалари тахт бўлдими?

— Ҳозир бу муҳим сиёсий тадбирга ҳозирлик ишлари якунланмоқда. Ташкил этилган 7 минг сайлов участкаси сайловга тайёр ҳолга келтирилган. Овоз бериш хоналари жиҳозланяпти. Ҳар бир участка барча зарур ҳужжатлар ва бюллетенлар билан таъминланди.

Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, сайлов ва референдум куни ўз сайлов участкасида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун ҳам тегишли шароит яратилмоқда. Президент сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бу гуруҳ сайловчилар сайлов варақалари ёрдамида олдиндан овоз беришлари мумкин. Бу варақалар эса муҳрланган конвертларда участка комиссиясида сақлаб қўйилади.

Сайловлар ва референдумга тайёргарлик ишлари Марказий сайлов комиссияси, округ комиссияларининг доимий ва қаттиқ назорати остида олиб борилди. Барча ташкилий масалалар ўз вақтида қонун белгилаган тартибда ҳал этилди. Бу сиёсий тадбирга ҳозирлик кўриш мобайнида қонунни бузиш ва ундан четга чиқиш ҳоллари рўй бергани йўқ.

— Марказий сайлов комиссияси президентликка номзодлар учун тенг шарт-шароит яратиш учун қандай тадбирлар кўрди?

— Комиссия бу масалага ўз фаолиятида алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар иккала номзодга теппа-тенг шароит яратиш, қонунларнинг қоидалари сўзсиз бажарилишига доир зарур тадбирлар кўриш тавсия этилди. Президентликка номзодлар билан учрашувларни ташкил этиш, оммавий-тарғибот ишларини ўтказиш, кўргазмали тарғиботни тайёрлаш борасида ҳам ҳар иккала номзодга тенг шароит яратилди. Сайлов куни ҳам сайлов участкаларида улар учун овоз беришга теппа-тенг шароит яратилади.

— 29 декабрь куни бошқа мамлакатлар ва собиқ СССРнинг мустақил давлатларидан кузатувчилар иштирок этишадими?

— Ҳа, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ сайлов ва референдумни ўтказишга бошқа суверен республикалар ва чет давлатлардан кузатувчилар таклиф этилди. Марказий сайлов комиссияси ўзининг 20 декабрдаги мажлисида кузатувчиларнинг ваколатларини белгилади ва сайлов комиссияларига улар ўз вазифаларини бажаришлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тўғрисида тавсия берди.

29 декабрь куни сайлов қутилари ёнига 11 миллионга яқин сайловчи овоз бериш учун келади.

Барча участка комиссиялари тегишли сайлов бюллетенлари билан таъминланди. Энг муҳими, фуқаролар овоз беришда бюллетенларни тўлдириш тартибини аниқ билишлари даркор. Сайловчи қайси номзодга «қарши» овоз бераётган бўлса, унинг фамилиясини ўчириши шарт. Бўлмаса бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, ҳамдўстликда қатнашишга қарор қилган мустақил республикалар раҳбарларининг Олмаотадаги учрашувида Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида тан олингани гувоҳи бўлдик. Шундай экан, республикамиз фуқаролари яна бир марта республикамиз мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш қарорини маъқуллаб овоз берадилар, деган умиддамиз.

Суҳбатдош
М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Тошкентда таълим олаётган талабаларнинг ота-оналари вилоятлардан келиб фарзандлари ҳолидан хабар олишлари осон бўлмай қолди. Лекин халқ депутатлари, район ва хўжалик раҳбарлари ҳамқишлоқ талабалар ҳузурига келиш, янги йил билан табриклаш имконини топишяпти.

Яқинда пойтахтдаги «Шодлик» ресторанининг зиёфат залида қувалик ёшлар тўпланишди. Район Кенгаши раиси М. К. Носиров уларга ота-оналари, қариндошларидан салом топширди. Ҳозир Тошкентдаги дорилфунун ва институтларда, техникум ва ўрта махсус билим юртларида ўқиётган йигит-қизлар учун юзлаб ишчи ўринлари тайёрланаётгани ҳақида гапириб берди. Замонавий таълим олган турли соҳа мутахассислари янги қурилаётган машинасозлик, асбобсозлик заводлари ва қандолат комбинатида ишлайдилар. Ёш ўқитувчи ва шифокорларни хорижий асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган мактаб ва касалхоналар кутяпти.

Жамоа хўжаликлари раҳбарларидан О. Исроилова, А. Акбаров, Т. Мамажонов, дон маҳсулотлари комбинати директори Р. Аҳмедов, Қува шаҳри Кенгаши раиси Л. Назарова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ва бошқалар ёшларга ўқишда муваффақиятлар тилашди. Талабаларга юз сўмдан байрам ҳадяси тарқатилди.

А. АБДУБАННОПОВ.

● **ХАТЛАРДАН САТРЛАР**

● САМАРҚАНД. Пушкин номли 4-ўрта мактаб муаллимлар жамоаси ўртасида келаси йил учун «Ўзбекистон овози», «Маърифат», «Ўзбекистон санъати ва адабиёти» рўзномаларига обуна бўлиш давом этмоқда.

Р. МУҲАММАДИЕВА.

● ФАРҒОНА. Рандаги Миндон қишлоғи клуби қошида сатира ва юмор тўгараги ташкил этилди.

Б. ТУРДИАЛИЕВ.

● ПОП. Район ва шаҳар аҳолисидан 3514 киши келаси йил учун «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна бўлди.

Т. УЗОҚОВ.

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАР

НАБИЖОН ОТА СТАНЦИЯСИ

Набижон ота Ҳасанов Олтинкўл районидаги Айрончи қишлоғида туғилиб ўсди. Бутун куч-қувватини халқ хизматига бағишлади. У ёшлигида қўш ҳайдади, тракторчилик қилди. Кейин такси машинаси минди. Ҳалол ишлаб қадр-қиммат топди. Андижон таксомотор парки жамоаси уни иззат-икром билан пенсияга узатди.

Набижон ота пенсияга чиққач, ҳамқишлоқларига яна хизмат қила бошлади. Кўпчиликнинг илтимосига кўра ўзи яшаётган Куйбишев номли жамоа хўжалиги ҳудудига темир йўл шохобчаси келтиришга бел боғлади. Бу масалани ҳал қилиш учун Тошкентга 33 марта бориб келган дейишади. Қўқон, Хўжанд темир йўл бошқармаларига тинимсиз қатнади. Ниҳоят қишлоққа темир йўл шохобчаси келтириш учун рухсат олди.

Бу иш «Средазтрансстрой» бирлашмаси қурувчиларига топширилди. Улар 717 кун уриниб, қишлоққа темир йўл келтирдилар. Энди бу ерга вагон-вагон ёғоч-тахта ва бошқа қурилиш материаллари келтириш, бу ердан турли юклар жўнатиш мумкин.

— Районимиз қишлоғига темир йўл кириб келиши олтинкўлликлар учунгина эмас, балки Андижон вилояти меҳнаткашлари учун ҳам катта қулайлик туғдиради, — дейди халқ депутатлари Олтинкўл район Кенгашининг раиси Назиржон Саидов, — станция қурилиши ташаббускори Набижон ота Ҳасанов тириклик чоғидаёқ ўзига ҳайкал қўйди. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши раиси Қ. Холмирзаев станция очилиши маросимида бу кичик станцияни «Набижон ота станцияси» деб аташ ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф кўпчиликка маъқул тушди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

ИСТИҚЛОЛНИ ҚУТЛАБ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг таклифига биноан Ливия жумҳурияти мўътабар доираларининг вакилларидан иборат делегация Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Бу делегацияга Ливия жумҳуриятининг Президенти Муаммар Қаддафийнинг шахсий вакили, Ливиядаги Ислом даъвати халқаро ташкилотининг бош котиби Муҳаммад Аҳмад Шариф бошчилик қилди. Меҳмонлар диний бошқармада бўлиб, унинг ҳозирги пайтда олиб бораётган қизғин фаолияти, мадраса ва бошқа ўқув юртларида юритилаётган таълим-тарбия, матбуот нашрлари иши билан танишдилар. Диний бошқарманинг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф меҳмонларга Ўзбекистонда янгидан бунёд этилаётган масжидлар, мусулмонларнинг олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берди. Шундан кейин мухбиримиз делегация раҳбари Муҳаммад Аҳмад Шариф ҳузурида бўлиб, у билан суҳбатлашди.

— Муҳтарам Муҳаммад Аҳмад, аввало мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон диёрига хуш келибсиз. Пайтдан фойдаланиб сиз раҳбарлик қилаётган Ислом даъвати халқаро ташкилотининг асосий фаолияти қандай мақсадлардан иборат эканлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Суҳбатимизнинг бошида шу нарсани айтиб ўтишим айни муддаоки, жумҳуриятингизнинг кекса рўзномаси «Ўзбекистон овози» делегациямизнинг сафари ҳақида мақола ёритишни манзур кўрибди, демак бу биз учун кўрсатилган яна бир илтифотдир. Сизнинг рўзномангиз орқали Ўзбекистон диёрининг барча меҳнаткашлари ва муштарийларингизга самимий Ислом биродарлиги саломини йўллаймиз. Бизнинг Ислом даъвати халқаро ташкилотимиз таркиб топганига йигирма йилдан ортиқ вақт бўлди. У жумҳуриятимизнинг раҳбари Муаммар Қаддафийнинг ташаббуси билан юзага келган. Бу ташкилот бутун ер курраси мамлакатларда истиқомат қилаётган мусулмонлар ва уларнинг ташкилотлари билан яқиндан алоқалар олиб боради. Бундан ташқари мутахассисларимиз ер юзида Ислом дини билимларини тарғиб этиш ва тарқатиш билан шуғулланадилар. Шунингдек, Ислом дини оламининг турли соҳалари бўйича ҳам катта эътибор билан ҳамкорлик ишларини амалга оширамиз.

— Ўзбекистон ўзининг мустақиллигини эълон қилганлиги ҳақидаги хабарлар сизнинг мамлакатингизда қандай кутиб олинди?

— Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганлиги асрлар бўйи ўзбек халқининг қилган эзгу орзусидир. Бу хабар кўпгина мусулмон мамлакатлари каби Ливияда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Ливия ислом доиралари ва ҳукумати бу воқеага ғоятда ҳурмат назари билан қарамоқда. Биз Ўзбекистондан олинадиган хабарларни ғоятда муштоқлик билан кутамиз. Чунки бу диёр биз ливияликлар учун ҳам ғоятда қадрдондир. Ҳаммамиз сизнинг заминингизни табаррук жойлар деб ҳисоблаймиз.

Ливия халқи матонатли курашлар натижасида ўзининг озодлиги ва истиқлолини қўлга киритган матонатли одамлардир. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳукуматимиз ер куррасидаги барча мўъмин-мусулмон биродарларимизнинг ҳам тинч-тотув яшашларини беҳад истайди. Оллоҳ таолонинг каломида айтилганидек барча мўъминлар бир-бирларига биродардирлар, деган оятдан келиб чиқиб, биз ҳамиша мусулмонларни бирдамликка, якдил бўлишга даъват этамиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи қўлга киритган асрий истиқлолни чин қалбимиздан муборакбод этгани, Ливия халқининг қутловларини етказиш мақсадида диёрингизга меҳмон бўлиб келдик.

— Яқинда Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини таниди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов биринчи марта халқаро миқёсда эркин сафар қилиб, ана шу мамлакатда бўлганида икки томонлама тузилган ҳужжатлар имзоланди. Сизнинг шу воқеага бўлган муносабатингиз қандай?

— Бу қувончли воқеа айни муддаодир. Ишончингиз комил бўлсинки, яқин келгусида Ливия ва Ўзбекистон ўртасида ҳам ана шундай қувончли учрашувлар юз беришини яратган парвардигоримиздан сўраб турибмиз. Мамлакатимизнинг раҳбари Муаммар Қаддафийнинг сизнинг президентингиз Ислом Каримовга йўллаган саломи ва қутловини олиб келдим. Келгусида бошланадиган яқин биродарлик алоқаларимизда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича кўп фикр алмашувлар қилишимиз аниқ гап. Бунинг учун ана шу соҳаларнинг мутасаддилари ўз ишларини бошлаб юборадилар, деган умиддаман.

Ливия жаҳонда катта давлат бўлмаса ҳам унинг ўзига муносиб ҳуррияти, истиқлоли бор.

Суҳбатимизнинг охирида мен ва ҳамроҳларим сизнинг диёрингизга чексиз иззат ва ҳурмат билан қарашимиз ҳақида айтиб ўтай. Бу замин тарихи жуда ҳам олис. Унинг мутафаккир донишмандлари, уламолари борки, улар жаҳон ислом оламига, бу диннинг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Мусулмон олами сизнинг уламоларингиз қилган диний тафаккур дунёсидаги меҳнатини ҳеч қачон унутмайди, балки эъзозлаб келмоқда.

Иншоолло, сизнинг истиқлолингиз туфайли Ливия ва Ўзбекистон ўртасидаги биродарлик алоқаларимиз янада кенг қулочлар ёзади ва ўзининг янги, мазмунли саҳифаларини яратишга барча йўллар очиқдир.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Кейинги пайтларда Шовот савдо базасида кичик корхоналар ишини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Суратда: трикотаж корхонаси ишчиси Г. Оллоёрова.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

МЕНИНГ ТАСАВВУРИМДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик майдонида бунёд этиладиган Озодлик рамзи ҳақида мен ҳам ўзимнинг кўнглимдаги гапларни баён қилмоқчиман. Аввало Мустақиллик майдонидаги рамз лойиҳасини чизма қоғозига туширдим. Фикримча, Мустақиллик майдонидаги келган кишилар, сайёҳлар Ўзбекистон халқининг қадим-қадимдан бери босқинчиларга қарши курашиб келганлиги тарихини, маданияти ва тасвирий, амалий санъатини ана шу рамздан кўриб, билиб олишлари лозим. Бунинг учун унинг соясалқин боғлари, анҳор бўйи оромгоҳлари ва фавворалари қаторига ўзбек миллий меъморчилигининг барча ноёб дурдоналарини ўзида мужассамлаштирган обидалар бунёд этилиши керак. Аввало майдон атрофи паст-панжарали девор билан ўралмоғи дуруст.

Майдонни ёритгичлар чизиғи ва унга тик бўлган метродан чиқадиган ерости йўли орқали ўтадиган рамзий ипак йўллари билан тўрт бўлакка бўлишни, ҳар бирини бир фасл номи билан аташни тавсия этаман. Бундан ташқари, йўллар кесишган жой Ипак йўлининг Мағрибдан Машриққача бўлган 15 минг километрлик масофанинг ўртаси—қоқ маркази эканлигини ҳисобга олиб, шу ерда белги сифатида олтин қозиқ қоқиб қўйиш тарихимизни ойдинлаштиради деб ҳисоблайман. Ипак йўлининг майдонга жанубдан кираверишига 20 қаватли маъмурий бинонинг деярли рўпарасига ва чиқаверишига, Навоий кўчаси томонига икки салобатли дарвоза — гумбазли йўлак бостирма қуриш керак. Агар метродан чиқадиган ер ости йўли усти ҳам дарвоза кўринишидаги арқумбаз билан беркитилса, у Ипак йўлининг Шарққа томон бурилишини кўрсатади.

Номаълум солдат қабрига сағана ишлаш зарур. Унинг ёнига Ўзбекистоннинг озодлиги учун курашганлар, қатоғон қурбонлари учун яна бир сағана ясаш, уларнинг устини эса гумбоз соябон билан беркитиш керак. Бу обидани «Шаҳидлар сағанаси» деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Юрак уриб туришини метрода акс эттириш керак, чунки халқимизда марҳум руҳи доим тирик деган нақл бор.

Анҳор соҳилига «Хайрия ошхонаси» қуриш лозим.

Озодлик ёдгорлиги рамзини Ипак йўли чорраҳасининг Ғарб томонига, қуёш чиқишига рўбарў қилиб қуришни тавсия қиламан. У радиуси 20 метрли ярим доира майдонни ишғол қилиб, икки бўлакдан иборат бўлади. Биринчиси, эни 4 метр, баландлиги 4—5 метр бўлган ярим халқасимон қурилиш бўлиб, унда 18 та кўргазма ойналари бўлади, ичига камида 72 та 1,2х1,8 ўлчамли ҳаракатланувчи ўйма расм-кўргазмалар қўйилади. Бу кўргазмаларда Ўзбекистон тарихи намойиш этилади. Иккинчи бўлаги эса Озодлик ёдгорлиги — баландлиги 41 метр бўлган 6 қиррали призма-пирамидалар жамламасидан иборат бўлиб, юқорига томон ингичкалашиб боради. У беш қисмдан иборат. Нима учун 41 метр ўлчов олиняпти деган савол туғилиши мумкин муштарийларда. Бу рақамда рамзий маъно бор. Халқимиз жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, ҳозир ҳам иқтисодий қийинчиликлар бўлиб турибди. Қадим-қадимдан қолган нақл шуки, «Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди» деган. Чидаб келдик, энди бу қийинчиликнинг яна бирига дош берсак, иншоолло, келажак бизники бўлади.

Ҳаётда ҳам ўзи шундай бўлиб келган. Бу рамз беш қисмдан ташкил топиши эса, яна халқимизнинг бир иборасининг рамзидир. Ишинг қандай деб сўралса, «Ишларим беш» деб жавоб берилади, демак келажакдаги ишларимиз бекаму-кўст бўлиши рамзидир.

С. НАСРИДДИНОВ,
Тошкент давлат техника дорилфунуни доценти.

Хушхабарлар

● НАВОИЙ. «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ғишт тайёрлаш цехи ишга туширилди. Бу ерда кунига 8—10 мингта ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

Е. УМАРОВ.

● УЙЧИ. Районидаги темир-бетон буюмлари заводи ишчи-хизматчилари учун маиший бинолар, уй-жойлар қуриб берилмоқда. Яқинда 200 кишига мўлжалланган тўйхона қуриб берилди.

М. ҚОДИРОВ.

● ЖАЛОЛҚУДУҚ. Андижон вилоятининг бу районида ўзига хос учрашув бўлиб ўтди. Ойим қишлоғи санъатсеварлари СССР халқ артисти Наби Раҳимовнинг 80 ёшини муносиб нишонлашди.

Х. УСМОНАЛИЕВА.

● ҚУРҒОНТЕПА. Қардош Тожикистоннинг Қўрғонтепа ва Кулоб вилоятларида истиқомат қилаётган ўзбеклар учун янги рўзнома—«Элчи» нашр этиладиган бўлди.

Х. БЕРДИҚУЛОВ.

НИЗОМИЙНИ ЁД ЭТИБ

Жумҳуриятимизда ҳазрат Навоий йили якунланиб бормоқда. Зеро, кўп жойларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам улуғ Озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг 850 йиллик юбилейи муносиб нишонланаётгани эса рамзий маънога эга бўлиб турибди.

Шарқда «Хамса»чиликка асос солган Низомий Ганжавий Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан кейин «Панж Ганж» («Беш ҳазина») достонлар туркумини яратишдек ажойиб анъанани бошлаб берган эди. Яқинда Низомий номли Тошкент давлат муаллимлик илмгоҳида шоир таваллудига бағишланган илмий-назарий анжуман ва бадиий кеча ўтказилди.

Илмгоҳ ректори, профессор Комилжон Юсупов анжуманни очиб, шоирнинг ижоди ҳозирги алғов-далғовли кунларимизда ҳам инсонларга ҳизмат қилмоқда, одамларни тинч-тотувликка, ҳалол ва тўғриликка даъват этмоқда, деди. Йиғилишда профессорлар Н. Маллаев, А. Шерматов, Б. Мирзааҳмедов, филология фанлари докторлари Ҳ. Ҳамидов, С. Аширбоев, доцентлар М. Аҳмадбоева, Қ. Сейданов, З. Ҳамидовлар шоирнинг ижоди ва ҳаётига бағишланган маърузаларда қатнашдилар.

Кечага бошқа илмгоҳлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришди. Илмий-назарий анжуман шеърхонлик, қўшиқ ва рақслар билан уйғунлашиб кетди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

• Осойишталик посбонлари

ЎТТИЗИНЧИ УЧАСТКА НАЗОРАТЧИСИ

Ҳусниддин акани йўқлаб идорага кириб борганимда сийрак сочларига оқ оралаган, полвон келбатли бу инсоннинг чуқур хаёл оғушига чўмиб ўтирган ҳолда учратдим. Табиатан қувноқ бу кишини нечукдир ҳазин ҳолда кўриб ажабландим, нима бўлди экан, деган хавотир билан ҳол-аҳвол сўрадим. У бундан бироз ўнғайсизланган-дек бўлди.

— Вақт ўтган сари тез-тез ўтган умрингга назар солар экансан, — гап бошлади Ҳусниддин ака. — Бугун милицияда иш бошлаганимга йигирма йил бўлибди.

Йигирма йил ичида кўрган-кечирганларни биргина хаёл билан тасаввурга сиғдириш осон эмас экан. Бундай пайтларда одамларга қўлдан келган ёрдамимни беролмадимми дейман ўзим-ўзимга.

Бу гапда жон бор, албатта...

У ўз меҳнат фаолиятини Тошкентдаги Фрунзе номли тўқувчилик фабрикасида механикликдан бошлади. Бир муддат тўқув дастгоҳида ҳам ишлаб кўрди. 1971 йили Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимига ишга келди. Кўп ўтмай хоҳишига мос ишини топгандай бўлди.

— Ҳусниддин билан меҳнат фаолиятимизни бирга бошлаган эдик, — дейди С. Раҳимов район ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Тилов Асадович Бобомуродов. — У ишга янги келган бўлса-да сезгир, эпчил ва ғайратли эди. Рейдларда, жиноятчиларни тутишда группага садоқат кўрсатиб ёрдам берди. Айниқса, унинг ҳар қандай қийин вазиятда ҳам топшириларган вазифанинг уддасидан чиқишига ҳавасим келарди. У ўзининг ишга масъулиятлилиги, нуқсонларга муросасизлиги билан тезда кўпчилик назарига тушди. Тез орада ОБХСС бўлимига ўтказилди. Бир вақтнинг ўзида Тошкент дорилфунунининг юридик факультетини сиртдан ўқиб битирди. Шундан сўнг у ўзини машаққатли ишларда синаб кўришга жазм этди. Шу мақсадда шаҳардаги 30-участкада ишлашга ўтди.

Бу даврга келиб унда анчагина тажриба тўпланган ва қийин шароитларда ҳам мураккаб ҳолларни осон ҳал қила олиш қобилияти такомиллашган эди. Шунинг учун мазкур участкада унинг ишлай олишига кўпчилик ишонар эди.

— Бу ерда сенгача ҳам бир неча киши ишлаб кўрган, дейишди унга. — Аммо ишни эплай олмай кетиб қолишди. Чунки вазият оғир эди. Муҳими, сенинг ғайратинг, билимнинг бор. Шояд эплаб кетсанг...

Участкага Соғбон кўчасидаги иккита маҳалла, Тошкент чинни заводи ҳудуди киради. У аввало ишни ўз участкасини ўрганишдан, аҳоли билан танишишдан бошлади. Маълум бўлдики, вазият чиндан ҳам оғир экан. Айниқса ичкиликбозлик, тартиббузарлик авжига чиққан эди. Бунинг устига ҳеч қаерда ишламайдиганлар ҳам етарли. Тарбияси оғир болалар билан ишлаш эса ўлда-жўлда. Бунинг устига участка катта, одамларни қабул қилишга идора, телефон, асбобускуна йўқ. Шундай мураккаб шароитда нималар қилиш керак?

Бу ишда Ҳусниддин аканинг жамоатчиликка суяниши қўл келди. Аввало маҳалла оқсоқоллари, Тошкент чинни заводи раҳбарлари билан маслаҳатлашди, иложи топилди. Завод маблағ билан ёрдам берадиган бўлди. Оқсоқоллар идора биноси учун ҳашар ўтказишга бош-қош бўлишди...

Ишлар шу зайлда юришиб кетди. Завод ишчилари ва маҳалла оқсоқолларидан кўнгилли халқ дружинаси отрядлари тузилиб, ҳар куни участка инспектори билан биргаликда кўчаларни айланиш одат тусига кирди. Бунга қўшимча штатсиз инспекторлар билан ишлаш ҳам қўл келди. Шу ўринда у кичкинагина «айёрлик» ҳам ишлатди: штатсиз инспекторликка эса одамлар ҳурматини қозонган, обрўли кишиларни жалб қилди. Чунки маъмурий йўл билан огоҳлантириш ва жазолашдан кўра эл орасида ҳурматли кишиларнинг биргина танбеҳи, қилган насиҳати қанчалик таъсирли эканлигини у жуда яхши биларди. Янглишмаган экан. Бугунги кунда штатсиз инспекторлардан кўнгилли халқ дружинаси отряди командири, завод директори ўринбосари Ҳамидулла Рихсиев, «Гуручариқ» маҳалласи раиси Абдужалил Исмоилов, «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласи котиби Наби Ҳафизовларнинг бу борадаги ибратлари, айниқса осойишталикни сақлашдаги хизматлари катта.

Эсида, бир куни идорага ёшгина аёл боласини кўтарган ҳолда ўпкасини тутолмай йиғлаб келди. Эри ҳайдаб юборибди. Ҳусниддин ака аёлнинг эрини танирди. Ичкиликка муккасидан кетган одам эди. Илгари маҳалла оқсоқоллари унга бир неча бор насиҳат қилишган, сира қулоғига олмаган. Сўнгги пайтларда онласига мутлақо қарамай қўйди. У аёлни тинчлантириб, уйига жўнатди. Эртасига ўша аёлнинг эрини магазинда учратиб қолди. У ҳозиргина сотиб олган бир шиша ароқни костюмининг кўкрак чўнтагига жойлаш билан овора эди. Ҳусниддин ака уни индамай қўлидан ушлаб идорага олиб келди. У билан эринмасдан бафуржа суҳбат қилди. Шундан кейин йигит дардини ёрди. Хотинининг, фарзандларининг бағрига қайтишини хоҳлаётганини, бироқ бу зормандадан қутила олмаётганидан ҳасрат қилди. Йигитга яшириш йўл билан бўлса ҳам дарҳол даволанишни маслаҳат бериб, бу гапларни хотинига айтмасликка келишишди. Бир ой ўтар-ўтмас, у тамомила бошқа одамга айланди, онласи бағрига қайтди.

Бундай воқеалар унинг хизмат фаолиятида кўплаб учрайди. Бугунги кунда 30-участка катта инспектори, милиция майори Ҳусниддин ака Шомуҳамедов номини ҳурмат билан тилга олувчи, ундан бир умрга миннатдор кишилар жуда кўп. Демак унинг одамларга фойдаси тегибди, меҳнатлари зое кетмапти.

Шораҳмат ҚУРБОНОВ,
ТошДД журналистика кулиёти III курс талабаси.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, иқтисодий назария асослари, рус тили (чет эллик талабалар учун);

профессор: иссиқлик техникаси ва муҳандислик экологияси;

доцентлар: иқтисодий назария асослари, олий математика (3), ҳаётий фаолият хавфсизлиги (0,5), машиналар, механизмлар ва машина деталлари назарияси (2), кўприклар ва тоннеллар, автоматика асослари ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили (2), жисмоний тарбия, ижтимоиёт ва ҳуқуқ;

катта ўқитувчилар: иқтисодий назария асослари (2), кўприклар ва тоннеллар, немис тили, инглиз тили, жисмоний тарбия, физика, ўзбек тилидан олий ўқув юртига тайёрлаш маркази учун;

ассистентлар: олий математика, иссиқлик техникаси ва муҳандислик экологияси, ўзбек тили, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

«СОЛАР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ЖАМИЯТИ

НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН:

саноат ва рўзғор музлатгичлари, шунингдек кондиционерларига техника хизмати кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш;

хусусий компьютерлар, телефакслар ва ультра-қисқа тўлқинли радиостанцияларга техника хизмати кўрсатиш, уларни созлаш ва таъмирлаш ишларини

АМАЛГА ОШИРАДИ

Маълумотлар олиш учун шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 8.00дан 18.00гача 33-10-90, 33-03-94 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ФАЙЗ Лтд.

ҲУҚУҚИЙ

ЖИҲАТДАН

ҚОНУНИЙ

Эртаклардаги сиғари тез, қулай ва сифатига кафолати билан, технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «TRORAT» Австрия фирмасиники.

ФАЙЗ ЛТД ФИРМАСИ — БУ:

ҳар қандай график тасвирли, обрўли кўринишли муҳрлар, штамплар, оттисклар, факсимиле, серҳашам, зарҳалланган ташрифномалар ва ҳоказолар демакдир.

МУЛОҚОТ ТЕЛЕФОНИ: соат 9 дан 17 гача — 77-56-17.

Ўзбекистон Журналистлар Уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Котибиятининг аъзоси Мақсуд Қориева пиру-бадавлат, камтарин инсон онаси

Муборак ПУЛАТҲОЖИ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физика илмгоҳи жамоаси илмгоҳ илмий котиби Т. Тиллаевга отаси

Сотволди ТИЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика агросаноат комплексини бошқариш олий мактаби жамоаси ўқув-услубиёт бўлими бошлиғи Д. Н. Шараповга акаси

Тельман Набиевич ШАРАПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзмаишийтехсоз» жумҳурият концерни жамоаси Фарғона вилоят «Маишийтехсоз» корхонасининг директори П. Б. Баҳодировга отаси

БАҲОДИРХОН ШОДМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати, касаба уюшмаси, механика куллиёти жамоаси 3-олий риёзиёт таҳсилгоҳининг катта ўқитувчиси А. Р. Роишевга қизи

Пиёсат РОИШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни маъмурияти, ўзбек филологияси факультети жамоаси факультет доценти, филология фанлари номзоди

Еқуб ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзагроқурилиш» жумҳурият ишлаб чиқариш давлатширкат бирлашмаси жамоаси «Андижоноблагрострой» 2-трести бошқарувчиси ўринбосари

Раҳмонжон Иброҳимович ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар олий билимгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ва иқтисодий назария асослари кафедраси жамоаси ўқитувчи

ИСМОИЛОВ Саъдулла ШОМУРОД ўғлининг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. № 251. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.